КПСС МК Февраль Пленуми Қарорини амалга оширамиз

ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

ҚУДРАТЛИ МАШИНАЛАРНИНГ АЗАМАТ ЭКИПАЖЛАРИГА ОҚ ЙЎЛ!

— Экишнинг бошланиши чанки эмас, — дейди колхоз раиси Абдулла ака бош агроном Абдуалим Исҳоқовга (ўртадаги сурат) — жадал ишлаш керагу, шошилиш керак эмас. Энг муҳими—иш сифатли бўлсин. Ҳозир мен Бектурғон аканинг бригадасидан келдим. У ерда (чапдаги сурат) далага машина билан гўнг сочиш ҳам яхши бораяпти... Бектурғон Андабоев бугун хурсанд (ўнгда).

А. Абалян фотоси.

Янгийўл бошқармасидаги „Ленинизм“, „Ўзбекистон 30 йиллиги“, „Коммунизм“ колхозларида сахий ер бағрига „оқ олтин“ уруғи ташланди. Ҳа демай бу ерларда яшил квадратлар ҳосил бўлади.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 61 (2609) | Жума, 27 март 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

РЕПОРТАЖ

АГРЕГАТЛАР ИШГА ТУШГАНДА

Кўклам манзарасидан ҳам гўзал манзара, баҳор нашидасидан ҳам ёқимлироқ нашида, баҳор кезларидан ҳам нашъалироқ дам борми оламда! Баҳор йўл чеккалари, ариқ бетларини қоплаган майин майсаларда сон саноқсиз дарахтларни буркаб олган оппоқ сарғиш, қизғиш гуллар жамолида одамларнинг кулги аримаётган чеҳраларида жилва қилаяпти.

...Серқатнов йўлнинг шундай этагида жойлашган «Ленинизм» колхозининг идорасидан ҳеч кимни, тополмадик. Ажабо, қаёққа кетишибдийкин? Бу саволга кўчадан ўтиб кетаётган бир мўйсафиддан жавоб олдик: «Ҳе, шу вақтда ким идорада ўтирарди дейсиз. Деҳқоннинг долзарб кунлари бошланди энди. Идорада ишинглар бўлса, бундан буён тунда келасизлар...»

Сўраб-суриштириб, чигит экилаётган пайкаллар томон келавердик. Далалар... Бир-бирига туташиб кетган кафтдек текис далалар. Ҳаммасида ҳам баҳор нафасига меҳнат нафаси, баҳор гаштига меҳнат гашти қўшилиб кетган... Бир пайкални қудратли тракторлар борона қилаётган бўлса, бир пайкалга гўнг сочиляпти, яна бир пайкалда ер бағрига барака уруғи қадаляпти.

Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқовни маҳаллий ўғит сочилаётган пайкалда учратдик. Абдулла ака эрта-индин чигит тушадиган бу пайкалда ишни жонлантириб юбориш учун куйиб-пишиб юрган экан. Одатдаги салом-аликдан сўнг раис бизни ўғит сочишнинг янги усули билан таништиради. Хўжалик гўнг сочадиган учта махсус агрегат сотиб олибди. Ана, шу агрегатлар тиним билмай ишлаяпти. Машина пайкал чеккасидаги маҳаллий ўғит уйилган жойга келиб тўхтади. «Белорусь» тракторига ўрнатилган кичик ковш бирпасда агрегатни ўғитга тўлдирди. Машина дала бағрига кириб кетди.

— Худди товуққа дон сепаётганга ўхшайди-я, — деди Абдулла ака агрегатнинг ишидан мамнун бўлиб.

— Ҳа, Абдулла, бу машинанинг баҳоси йўқ экан. Унинг бир ўзи ўн-ўнбеш кишининг ишини бажарянти-да! — деб гапга аралашди соч-соқоли сарабодроқдек оқарган кекса.

Бу мўйсафидни колхоздагилар чин юракдан ҳурмат қилишади. Мана, у ҳозир етмиш еттинчи баҳорни кўриб турибди. Аммо қалбида ғайрат алангаси сўнмаган. Қамбар ота Тожиматов бу йил ажойиб ғашаббус бошлади. У колхоз правлениесидан озроқ ер ажратиб беришларини илтимос қилди. Унга ва унинг фақат мўйсафидлардан ташкил топган звеносига 13 гектар майдонни ажратиб беришди. Отахон пахтакорлар кам деганда 35 центнердан хирмон кўтаришга сўз беришди. Ҳозир звенода экиш тарадуди зўр. Эрта-индиндан кечикмасдан она ер бағрига «оқ олтин» уруғи қадалади...

Раис бизни чигит экиш агрегатлари бетиним гувуллаб ишлаётган пайкалга бошлаб борди. Мана, Зиябой Ризаев бошлиқ бригаданинг кенг даласи. Бир учи пайкал четига михланган режа сими бўйлаб агрегат юриб кетяпти. Тупроқ ниҳоятда майин. Абдулла ака ўртага тушган сукутни бузди:

— Шунақа майин тупроқнинг бағрига тушган чигит яйраб кетади, яйраб! Биз ҳар йили ерни ноябрь ойидаёқ ҳайдаб қўямиз. Тупроқ совуқ еса, қиши билан кўпчиб чиқади, ана ундан кейин баҳорда қарабсизки, кукундай майин бўлади, унча-бунча ёмғирга бўй бермайди, ерни қатқалоқ ҳам босмайди.

Абдулла ака шу гапларини тугатар-тугатмас, экиш агрегатининг орқасидан юриб, сифатни текширабошлади. Қўли билан уер-буерни титкилади. Чигит нормал чуқурликка тушибди, квадратлар ҳам аниқ чиқибди. Лекин бир пасда раснинг ҳуноби ошди. Ўрнидан қўзғолиб, баланд овоз билан: «Мирзараҳим, тўхтат!» деди. Агрегат дарҳол тўхтади. Тракторчи Мирзараҳим Абдураҳмонов нима бўлди, дегандек раисга ўгирилди.

— Сеялка чигитни мўлжалдагидан кўп ташлаб кетяпти-ку, — Абдулла ака бир уяни чуқилаб тракторчига кўрсатди, — мана қара, битта уяда ўнтадан ортиқ чигит. Сеялкани яхшилаб созлаганмидинг?

Мирзараҳим «текширувдим, қани яна бир марта бориб кўрай-чи» деб пастга тушди. Бироз уёқ-буёгини синчиклаб текширди. Кейин ўриндиқ тагидан икки-учта калит олиб, сеялканинг аллақаерини тузатабошлади. Орадан сал ўтмай яна рулга ўтирди-да, агрегатни бошқариб кетди. Раис трактор кетидан ҳўв нарироқкача бориб, экиш сифатини яна бир бор текшириб кўрди. Энди Мирзараҳимнинг ишидан кўнгли тўлди чамаси, чеҳрасига табассум югурди...

Пайкал чеккасида Абдулла ака билан суҳбатимиз қизиб кетди. У колхозда ҳозир қилинаётган ишлар ҳақида қисқача гапириб берди:

— Чигит экишни 22 март куни бошлаб юборган эдик. Эртасига ёмғир қуйиб берди. Ер етилиши билан кечадан бошлаб яна экаяпмиз. Бугун олтита бригадамизда чигит экиляпти. Эрта-индиндан бошлаб 24 та экиш агрегатининг ҳаммаси ишга тушиб кетади. Хаво очиқ бўлиб турса чигит экишни узоғи билан 7—8 кун ичида тугалламоқчимиз. Бултур дўлдан кейин қайта экишимиз май ойининг ярмигача чўзилиб кетувди. Бу йил чигитни бултургига қараганда бир ҳафта олдин экабошладик. Ҳа, деҳқон учун вақтдан азиз нарса йўқ. Ахир, «баҳорнинг бир куни йилга татийди» деб бежизга айтишмаган. Пахтани қанча эрта пиширсак, ўзимизга шунча яхши. Қўзда пахта терими энг қулай муддатларда бошланади, энг қулай муддатларда тамом бўлади. Кузги шудгор қилиш учун истаганча вақт қолади. Ҳозир отни қамчилаётганлигимизнинг боиси ана шунда.

— Чигит экишни сифатли ўтказиш учун қанақа тадбирларни қўллаяпсизлар? — сўрадик раисдан.

— Бош агрономимиз раҳбарлигида сифат комиссияси тузилган. Бу комиссия аъзолари чигит экаётганларнинг ишига кўз-қулоқ бўлиб туришади. Сал янглишишдими, дарров камчиликларини кўрсатишади, иш сифатини яхшилашади. Тракторчиларга ҳозир иш ҳақининг 55 процентини беramиз. Қолганини чигит бир текис униб чиққандан кейин олишади. Агар квадратлар аниқ чиқса, уларга мукофот беramиз, аниқ чиқмаса 45 процент ҳақларини ушлаб қоламиз. Тартиб шунақа қаттиқ бўлганидан кейин қайси тракторчи сифатсиз ишлайди дейсиз.

...Шу куни Зиябой аканинг бригадасида ўн гектардан ортиқроқ ерга чигит экилди. Раис билан яна беш-олтита бригадани кезиб чиқдик. Уларда ҳам чигит экиш қизғин бошлаб юборилибди.

Шу куни Янгийўлдаги «Коммунизм», «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозларида ҳам чигит экиш бошланди.

«Оқ олтин» соҳибкорлари! Фурсат ғанимат. Куч, ғайрат, матонат, олий ҳиммат ҳамиша сизларга ёр бўлсин!

Н. РИХСИЕВ,
Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбирлари.

В. А. ТЮПКОНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Урта Осиё машина-синаш станцияси мамлакатнинг донгдор механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Афанасьевич Тюпко иш тажрибасининг ўн йиллигини нишонлади. В. А. Тюпко пахтачиликда комплекс механизациялашни кенг жорий қилди. Станция залларига қўйилган стендларда пахтадан мўл ва арзон ҳосил олиш йўллари кўрсатиб берилган.

В. А. Тюпко аъзо бўлган бригада дастлабки йилда 125 гектар майдонинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан «оқ олтин» олди. Бир гектар майдонда пахта етиштириш учун 66 одамкун, яъни илгор хўжаликлардагига нисбатан уч баравар кам одам-кун сарфланди. Ўша йили бир центнер пахтанинг таннархи 56 сўм 60 тийинга тўғри келган эди.

Орадан ўн йил ўтди. В. А. Тюпко пахта етиштиришдаги деярли ҳамма ишларни машиналар зиммасига юклади. Масалан, бригада далаларида чигит аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар билан экилмоқда, ўғит модернизация қилинган машиналар билан тайёрланмоқда, гўзани чеканка қилиш ишлари ҳам механизациялаштирилди. В. А. Тюпко гўзани эгилувчан полиэтилен қувурлар ёрдами билан сугоради. Бу чора меҳнат сарфини уч баравар камайтириш ва сувдан фойдаланиш коэффициентини оширишга ёрдам берди.

Валентин Афанасьевич Тюпко гўзани машиналар ёрдами билан парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиштириб олиш ишларини 95 процентгача механизациялаштирди. У, 1960 йилдаёқ гектаридан 28,3 центнер пахта етиштирди ва бир центнер пахта олиш учун 9 одам-соат сарф қилди, шунингдек ҳар бир центнер пахтанинг таннархини 7 сўм 60 тийинга туширди. В. А. Тюпко ўша йили 70 тоннадан кўпроқ пахта ҳосили олди. 1961 йилда у, сувчи ёрдамчиси билан биргаликда 38,8 гектар майдонда пахта ва беда етиштира бошлади, гектар бошига 38,3 центнердан «оқ олтин» олди. Кўп меҳнат талаб этадиган жуда оғир иш, яъни машина теримидан кейин ерга тўкилиб қолган пахтани йиғиштириб олиш иши ҳам биринчи марта механизациялаштирилди. Маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат 7,5 одам-соатга камайди, пахтанинг таннархи яна 80 тийин пасайди. Донгдор механизатор ўша йили мамлакатимизга энг арзон пахта берди. В. А. Тюпко звено бошлиғи бўлиб ишлаб келган беш йил мобайнида жами 358 тонна пахта етиштирди.

Пахта етиштиришни комплекс механизациялаш соҳасида В. А. Тюпко тўплаган бой тажриба Урта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг пахтачилик хўжаликларида кенг жорий қилинмоқда. Урта Осиё республикалари ва Қозоғистонда 10 мингдан кўпроқ комплекс механизация бригада ва звенолари ташкил этилди. Валентин Афанасьевич бу йил ўз методини 2-«Оққўрғон» совхозидаги бутун экин майдонининг учдан бир қисмида қўлланади. 1-«Оққўрғон», «Чаноқ» совхозларида ва бошқа хўжаликларда ташкил этиладиган комплекс механизация звеноларини ўз оталигига олади. (ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚДА САВДО ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

БЎКА РАЙОН КООПЕРАТОРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА САВДО ХОДИМЛАРИГА МУРОЖААТИ

Бўка район матлубот кооперацияси корхоналари ва ташкилотларининг ходимлари КПСС XXII съезди қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ меҳнаткашларига савдо ва маиший ҳизмат кўрсатишни изчиллик билан яхшиламоқдалар.

1963 йилда товар оборот, умумий овқатланиш, нон ёпиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё тайёрлаш ҳамда харид қилиш планлари муддатидан илгари бажарилди. Дала ишлари қизғин тус олган даврда қишлоқ кооператорлари бевосита далаларда савдо ва иссиқ овқат тайёрлашни ташкил этиб, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг талабларини яхшироқ қондиришга ҳаракат қилдилар. Районда янги магазинлар, ошхоналар очилди, савдонинг прогрессив формалари янада ривож топди.

Бу йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги нишонланади. Шонли юбилей шарафига биз ўз зиммамизга қуйидаги социалистик мажбуриятларни оламиз: чакана савдо товар оборот планини 15 декабргача бажарамиз ва планга қўшимча 500 минг сўмлик озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари сотамиз. Барча матлубот жамиятлари ва корхоналарида планнинг бажарилишига эришамиз:

Октябрга қадар 4 магазин, 12 тонна маҳсулот сиғадиган холодильник, 50 ўринли ошхона қурамиз, Бўка посёлкасида 2 қаватли универмаг қурилишини бошлаб юборамиз;

савдо маданиятини оширамиз, аҳолига хизмат кўрсатишнинг прогрессив усулларини жорий қилишни давом эттирамиз, харидорлар ўзларига ўзлари хизмат қилувчи 3 та қўшимча магазин ва товарларнинг намуналари ёйиб қўйиладиган яна 5 та магазин, 2 та бичиш столи очамиз, товарларни савдо тармоқларига келтириб беришни такомиллаштирамиз;

1 октябрга қадар 3 та умумий овқатланиш корхонаси, шу жумладан «Бўка» совхозида битта ошхона, ярим тайёрланган таомлар сотиладиган 2 та корхона ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиладиган 3 та корхона очамиз;

аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган 5 та корхона, шу жумладан якка буюртма билан кийим тикадиган ва радио приёмниклар, телевизорлар, холодильниклар ҳамда уйда ишлатиладиган бошқа мураккаб буюмлар, шунингдек пойафзал ремонт қиладиган устахоналар, сартарошхона очамиз;

дала ишлари даврида 60 та развозка, автолавка ва разноска, 20 та сотувчисиз савдо дўкони ташкил этамиз;

китоб савдосини кенгайтирамиз, китоб бозорларини мунтазам ўтказиб турамиз, колхозларга дала шийпонлари учун камида 160 та кутубхона комплектлаймиз ва сотамиз, китоб сотиш йиллик планини ошириб адо этамиз;

умумий овқатланиш бўйича товар оборот планини 25 октябргача бажарамиз ва планга қўшимча 20 минг сўмлик маҳсулот сотамиз, ўз маҳсулотимиз салмоғини 50 процентга стказамиз. Дала ишлари даврида колхозчилар ва совхоз ишчилари учун камида юз бригадада иссиқ овқат ташкил этамиз;

тухум тайёрлаш ва харид қилиш топшириғини 1 июлгача, мева бўйича 15 октябрга қадар, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, картошка ва жун бўйича 1 ноябрга қадар, тери тайёрлаш ва харид қилиш бўйича топшириқни 1 декабрга қадар, мўйна тайёрлаш бўйича топшириқни 20 декабрга қадар бажарамиз;

колхозчилар ва колхозлардан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишни кўпайтирамиз, кооператив савдо секциялари бўйича йиллик планни 1 декабрга қадар бажарамиз ва планга қўшимча 60 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотамиз:

нон ёпиш планини 110 процент, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш планини 102 процент адо этамиз:

кооператив маблағларининг жамғарилишини кўпайтири ш г а эришамиз. Фойда олиш йиллик планини 105 процент бажарамиз. 1964 йилда савдо муомаласи чиқимларини планда кўзда тутилганидан 0,2 процент, умумий овқатланиш бўйича 0,3 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича 0,2 процент зиёдроқ камайтирамиз, бу эса 46 минг сўм маблағни тежаб қолишга имкон беради:

автотранспортда ҳар бир тонна-километр юк ташиш таннархини 4,5 тийинга туширамиз ёки 1963 йилдагига нисбатан 10 процент камайтирамиз:

кооперативаштириш ва пай бадаллари йиғиш йиллик планини 20 декабрга қадар тугаллаймиз;

кадрлар билан ишлашни яхшилаймиз. Шогирдлар сифатида камида 50 кишини, шу жумладан 30 ўзбек қизини қўшимча равишда ишга жалб қиламиз. Камида 40 кишининг сиртдан ўқишини таъминлаймиз, пайчилар ва матлубот кооперацияси ходимлари учун мунтазам лекция ва докладлар ўтказиб турамиз;

ходимлар ўртасида коммунистик меҳнат бригадалари, зарбдорлари ва коллективлари деган шарафли номни олиш учун социалистик мусобақани авж олдирамиз.

Бўка район матлубот союзининг коллективи ўз зиммасига социалистик мажбурият олиш билан бирга Ўзбекистоннинг барча кооператорларига мурожаат қилиб, уларни партия XXII съезди, КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари томонидан матлубот кооперацияси олдига етти йиллиқнинг олтинчи йили — 1964 йилда қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга, барча имкониятлар ва резервларни ишга солишга ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга чақиради.

Мурожаат Бўка район кооперация ходимлари активи йиғилишида муҳокама қилинган ва қабул этилган.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент область, Бўка райони кооператорларининг Ўзбекистон республикаси ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақа ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллади. Марказий Комитет область ва шаҳар партия комитетлари, область ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, шаҳар ижроия комитетлари, Ўзбекистон Касаба Союзлари Совети, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув»га республиканинг барча савдо корхоналарида Бўка райони кооператорларининг мурожаатини кенг муҳокама қилиш ҳамда республика юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдиришни топширди.

Пландан ташқари дон экилмоқда

ПАРКЕНТ. 25 март. (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари дон экинларини эниб бўлдилар. Дон экинлари 33 минг гектар майдонни эгаллади.

Юқори Чирчиқ галлаорлари Паркент ва Бўстонлиқнинг тоғ этакларидаги массивларига пландан ташқари дон экиш имконияти борлигини аниқладилар. Бу ерларда дон экиш учун икки минг гектар ер ажратилди.

ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚЎШИЛГАН МУҲИМ ҲИССА

СОВЕТ-ЯМАН ҚЎШМА АХБОРОТИ

Матбуотда эълон қилиш учун топширилган Совет-Яман қўшма ахборотида айтиладики, СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан, 16 мартда Яман Араб Республикасининг президенти, Сиёсий бюро раиси Яман қуролли кучларининг бош қўмондони маршал Абдулла Ассалод расмий визит билан Совет Иттифоқига келди. Яман Араб Республикасининг президенти ва унинг ҳамроҳлари Москвани, Тошкентни ва Сочини бориб кўришди, совет халқининг турмуши ва муваффақиятлари билан танишишди. Ҳамма жойда совет кишилари яманлик меҳмонларни самимий кутиб олдилар, улар ўзларига нисбатан кўрсатилган дўстлик ҳислари ва Яманнинг турли проблемалари чуқур тушунилганлиги учун мамнуният ва ташаккур изҳор қилдилар.

Яман Араб Республикасининг президенти маршал Абдулла Ассалол СССРда бўлган вақтида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан учрашди. Самимий дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбатлар вақтида СССР раҳбарлари ва Яман Араб Республикасининг вакиллари Совет-Яман муносабатлари масалалари устида ҳам шунингдек ҳозирги халқаро вазиятнинг ҳар иккала томонни қизиқтираётган энг муҳим проблемалари устида ҳам ўзаро фикрлашиб олдилар. Яман Араб Республикасининг президенти СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан самимий ошкора суҳбатларда бўлди.

Ҳар иккала томоннинг ўртасида иқтисодий, техникавий ва маданий ҳамкорлик масалаларига доир музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда совет томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари А. И. Микоян, Д. Ф. Устинов, министрлар ва бошқа расмий шахслар қатнашдилар.

Музокаралар давомида совет томони мустабидлик режимини ағдариб ташлаб, тарихда биринчи Яман Республикасини вужудга келтирган, Яман халқининг ривожланиш, империализмдан ва асрий зулм қолдиқларидан қутулишдан иборат миллий мақсадларини рўёбга чиқариш учун кенг истиқбол очиб берган 1962 йил 26 сентябрдаги Яман революциясининг аҳамиятига яна юксак баҳо берди. Ҳар иккала томон чуқур мамнуният билан шуни қайд қиладиларки, СССР билан Яман ўртасида узоқ вақтлардан бери давом қилиб келаётган дўстлик муносабатлари Яман революциясининг ғалабаси ва республика эълон қилинганидан кейин яна ривожланди ва тағин ҳам мустаҳкамроқ бўлиб қолди.

Қўшма ахборотда Яман томони шуни алоҳида таъкидладики, СССР Яман Араб Республикасини таниган биринчи буюк давлат бўлди. У, тинчликсевар бошқа давлатлар билан бирга Яман Араб Республикасига катта маънавий-сиёсий ва моддий ёрдам кўрсатди ҳамда унинг мустақиллигини ва суверенитетини чет давлатларнинг аралашувидан қатъий равишда ҳимоя қилди.

Ҳар иккала томон Совет-Яман муносабатлари масалаларини кўриб чиқиб, бу муносабатларни самимий дўстлик, тўла тенг ҳуқуқлилик, ҳамжиҳатлик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида ривожлантирмоқ учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўришга интилаётганликларини изҳор қилдилар. 1964 йил 21 мартда Москвада СССР билан Яман Араб Республикаси ўртасида дўстлик тўғрисида янги шартнома имзоланди. Бу шартнома Совет-Яман дўстлигини ҳамда СССР ва Яман халқларининг бахт-саодати йўлида самарали ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда янги босқич бўлади.

Музокаралар давомида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий, техникавий ва маданий ҳамкорликнинг муваффақиятлари қайд қилинди. СССР ёрдами билан Яманда Худойда денгиз порти қурилганлиги бу муваффақиятларнинг ёрқин далилидир. Яман томони иқтисодий, маданий ва ҳарбий соҳаларда Совет Иттифоқининг Яман Республикасига кўрсатаётган ёрдамига юксак баҳо берди.

Ҳар иккала томон икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва техникавий ҳамкорликнинг перспективаларини кўриб чиқдилар ва тегишли битимларни имзоладилар. СССР ҳукумати, дейилади ахборотда, пахта экиш учун ерларни ўзлаштириш йўли билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, цемент ва балиқ консерва заводлари қурилишда, Худойда билан Тоиз ўртасида йўл қуришда, балиқ овлашни ривожлантиришда ва геология тадқиқотлари ўтказишда, шунингдек Яман миллий кадрларини тайёрлашда Яманга бундан буён ҳам иқтисодий ва техникавий ёрдам кўрсатишга рози бўлди. СССР ҳукумати Яман Араб Республикаси ҳукуматига имтиёзли шартлар билан узоқ муддатли кредит берди.

Совет ҳукумати совет халқининг Яман халқига туҳфаси тариқасида Яман Араб Республикасида СССРнинг кучи ва маблағлари билан стационар касалхона ва унинг ҳузурида поликлиника, учта умумий таълим мактаби қуриб беришга рози бўлди.

Ҳар иккала томон савдо муносабатларининг муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилдилар ва Совет-Яман савдосини ўзаро манфаатдорлик асосида янада кенгайтириш кераклигини айтдилар. Ахборотда яна шу нарса ҳам кўрсатиб ўтилдики, ҳар иккала мамлакат ўртасида 1964 йилга мўлжалланган маданий алоқанинг Москвада 21 мартда имзоланган плани маданий ва спорт алоқаларини янада ривожлантиришни кўзда тутади.

Сўнгра, ахборотда айтиладики, совет томони Яман Араб Республикасининг ижобий бетарафлик ва қўшилмаслик сиёсатини ўтказиб келаётганлигига, республика ҳукуматининг Яқин ва Ўрта Шарқда ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, мустамлакачиликни батамом тугатиш йўлида қилаётган ҳаракатларига юксак баҳо беради. Томонлар ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемасини — ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасини ҳал қилишга тинмай эришишга қаратилган ўз ниятларини таъкидладилар.

Яман президенти Совет ҳукуматининг ва шахсан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг халқаро кескинликни юмшатиш, тинч музокаралар олиб бориш йўли билан халқаро проблемаларни ҳал қилиш, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида жуда катта куч ва ғайрат сарфлаётганликларига юксак баҳо берди.

Сўнгра, ахборотда айтиладики, томонлар барча мустамлака мамлакатларга ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти декларациясини тўла амалга ошириш йўлида яқин вақт ичида янги чора-тадбирлар кўриш зарур, деб ҳисоблайдилар. Томонлар Англия империализмининг Адандаги чет эл ҳарбий базасига таяниб, жанубда мустамлакачилик тартибларини сақлаб қолишга қаратилган планларини қоралайдилар ва бу базани тугатиш шу райондаги халқларнинг озодлик олишига хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

Совет ҳукумати қўшилмаган мамлакатларнинг иккинчи конференциясини чақириш идеясига ўзининг ижобий назар билан қараётганлигини айтди, бу конференцияда қатнашиш учун Яман Араб Республикаси ҳукумати таклифнома олган. Ҳар иккала томон, Жанубий Африка Республикаси ва Жанубий Родезия ҳукумати ўтказиб келаётган йиртқичларча ирқий камситиш сиёсатини ғазабланиб қоралайдилар. Бу жиноий ҳаракатлар инсоннинг элементар ҳуқуқларини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини қўпол равишда бузишдир.

Ахборотнинг охирида айтиладики, Яман Араб Республикаси президенти маршал Абдулла Ассалолнинг расмий давлат визити, СССР ва Яман Араб Республикасининг давлат арбоблари ўртасида бўлиб ўтган фикрлашувлар совет ва Яман халқларининг традицион дўстлик муносабатларини янада ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди ва бутун дунёда тинчлик манфаатларига хизмат қилади. (ТАСС).



Пойтахтимиздаги В. Чкалов номли металл буюмлар заводи коллективи янги хил маҳсулот — тракторларга осилиб заҳарли химикатлар пуркайдиган резервуарлар ишлаб чиқариш технологиясини пухта эгаллаб олди. Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашда бу резервуарлар жуда ҳам қўл келмоқда. Шу кунларда корхона йиғув цехи меҳнатсеварлари сифатли резервуарлар йиғиш топшириқларини ортиғи билан адо этмоқдалар. Суратда: цехда иш пайти.

В. Кирияценко фотоси.

АНТИБИОТИКЛАР СИРИ

«Ҳосилдорликни оширишнинг яна бир йўли топилди», «Антибиотикларнинг яна бир сири очилди. Ғўза касаллигига қарши курашда бу янги кашфият жуда қўл келади», «Мана бу тадқиқот ҳам қишлоқ хўжалик фани учун янгилик бўлди...»

Қишлоқ хўжалик фани ютуқлари ҳақидаги бу янгиликларни эшитиш нақадар қувончли! Ахир, ҳар бир тадқиқот деҳқонга дармон, ҳосилга барака-ку! Химиклар бобокалони Д. И. Менделеев таъбири билан айтганда, фан — хизматкор, у мўл-кўлчилик барпо этишнинг омилидир.

Ботаника институти ижод булоғи жўш урайтган илм-фан масканларидан бири. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган ишлар ҳам чакки эмас. Тадқиқотлар бирин-кетин ижобий ҳал бўляпти.

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг партия Марказий Комитети февраль Пленумида сўзлаган ёрқин нутқи амалий ишимиз учун катта дастур бўлди, — дейди академик А. Музаффаров. — Нутқда сермазмун рақамлар тилга олинди, таққосланди, фойдали таклифлар илгари сурилди. Бу эса қишлоқ хўжалик ходимларини, қолаверса олимларни янги марраларни эгаллашга руҳлантириб юборди.

Шундай, қишлоқ хўжалик фани олдида турган вазифалар жуда кўп. Мана, бизнинг лабораториямиздан қиёс. Келинг яхшиси лабораторияга кирақолайлик.

Олим бизни институтнинг сув ўсимликлари лабораториясига бошлаб кирди.

Лабораторияда илмий ходимлар ўз ишлари билан банд эди. «Бири моддага никелчи хил моддани қўшиб ўсимлик хоссасини текширса, яна бири микроскоп ёрдамида нималарнидир эҳтиёт билан кўздан кечирарди.

— Ҳозир хлорелла деган бир ҳужайрали сув ўсимлигини текширяпмиз, — дейди младший илмий ходим Р. Худойбердиева. — Сув ўсимлигидан қорамолларни боқишда физиологик стимулятор сифатида кенг фойдаланилса бўлади. Негаки, улар қорамолларнинг маҳсулдорлигини оширувчи энг фойдали модда ҳисобланади. Еруғлик ва иссиқлик бўлса, хлореллани кўплаб ҳосил қилиш мумкин.

— Лаборатория ходимлари ўтган йилги илмий кузатишлар якунидан хурсанд, — дея суҳбатга аралашди А. Музаффаров. — Махсус ҳовузда хлорелла ўстирилган эди. Ана шу сув ўсимлиги моллар емига қўшиб берилди. Натижаси кутилгандан ҳам зиёд бўлди. Моллар яхши семирди. Сизга айтсам, қуритилган хлореллада ҳам гап кўп. Хлорелла порошок ҳолида емга қўшиб берилса борми, қўй ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги анча ортади. Тўғри, ҳозир лаборатория хлорелладан соф порошок тайёрлашга киришгани йўқ. Аммо келгусида бу вазифа ижобий ҳал бўлади.

Антибиотиклар лабораториясида ҳам ижодий меҳнат авжида эди. Лабораторияга истеъдодли олима Салима Асқарова бошчилик қилади.

— Лаборатория ходимларининг кашф қилган ва ҳозир қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланилаётган антибиотикларни билсангиз керак, — деди суҳбатдошимиз. — Янги антибиотиклар қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ўзларига кенг йўл топишяпти. Пахта ҳосилдорлигини оширишда ҳам, ем-хашакнинг рационини яхшилашда ҳам антибиотиклар қўл келади. Антибиотиклар экинларнинг турли касалликларга чалинишига йўл қўймайди, ерларнинг унумдорлигини оширади. Қисқаси, уларнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти тобора ортиб бораяпти.

— Антибиотикларнинг пахтачиликдаги роли ҳақида ҳам гапириб берсангиз, — илтимос қилдик биз олимдан.

Яхши биласиз, вилт ғўзанинг ашаддий душмани. Вилт теккан ғўза нимжон бўлиб қолади. Шу вилт касали туфайли ҳосилнинг деярли 20 проценти нобуд бўлади. Ўзида микроэлемент, марганец ва молибден тутган ўғит ерга солинса вилт касаллигини қўзғатувчи микроблар қириб кетади.

Биз институтнинг тупроқ микробиологияси лабораторияси ишлари билан ҳам танишдик. Лаборатория илмий ходимлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми арафасида тупроқдаги азотнинг таъсирчанлигини ошириш борасида фойдали иш қилдилар. Авваллари ерга солинадиган азотнинг маълум бир қисми нам ва температура таъсирида ҳавога кўтарилиб кетарди. Лабораториянинг Т. Ҳожиев, Т. Қулимбетов, Т. Абдуллаев ва бошқа ходимларининг илмий кузатишлари натижасида бунинг олдини оладиган фойдали метод ишлаб чиқилди.

Ҳа, институтда ижодий ғайрат авжида. Партиямиз Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларига тўла амал қилаётган олимлар ўзларининг бой тажриба ва билимларини ишга солишяпти, ҳосилга барака киритиш чораларини кўришяпти.

А. АЛИЕВ.

ТЕХНИКА АДАБИЁТЛАРИ ВИСТАВКАСИ

Илғор тажрибаларни оммалаштиришда техникага оид адабиётларни пропаганда қилиш катта аҳамиятга эга. «Узглавстрой» техника бошқармасининг ходимлари қурилиш процессларга, — бўяш, сувоқ ва монтаж ишларини механизациялаштиришга оид асарлар виставкасини ташкил қилиб, яхши ташаббус бошладилар. Илмий техника ахборот институти билан виставкага янги материаллар юбориб туриш ҳақида шартнома тузилди.

Бундай виставка ҳар бир қурилиш трести ва бошқармасида очилиши керак. Трест ва бошқармаларда бунинг учун алоҳида хоналар ажратилиши лозим. Чунки бундай виставкалар илғор иш усулларини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнайди.

Я. ТОЛСТОНОГ,
«Средазоргехстрой»нинг инженер-экономисти.

ЁШЛАР ҒАЙРАТИ

Заводимиз коллективи меҳнаткашлар учун кўплаб рўзғор электр асбоблари етказиб беради. Биз ҳар бир маҳсулотнинг сифатли ва чиройли бўлиши учун курашяпмиз. Бу соҳада айниқса, Тошкентдаги «Электробитприбор» заводининг 3-цех ишчилари, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Улар январь ҳамда февраль ойи маҳсулот ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажаришди. Ҳозир квартал планини ортиғи билан адо этиш учун курашяпмиз.

Цехимизда қирқта ёш ишчи бор. Ҳозир 12 та шнур тўқиш станогида кунига 2,5-3 минг метр шпро шнури тўқилиб, ундан ёшлар кунига 800 — 1000 донадан ошириб вилкали ва колодкали шнур ишлаб чиқарayяпти.

Илгарилари цехимиз фақат бир сменада ишлар эди. Бунга сабаб — кабель заводидан хомашё ўз вақтида етказиб берилмаслиги. Ҳозир эса иш икки сменада олиб бориляпти. Меҳнат унумдорлиги ҳам анча ошди. Цехимиз меҳнаткашлари йиллик планни 20 декабргача бажаришга ваъда берганлар. Шу кунларда иш янада қизғин тус олди. Ольга Савкова, Муяссар Карихова каби дугоналарим, шнур тўқувчи Махфуза Абдуразоқова, Мовлуда Назармуҳамедова, Лиза Орехова, сим ўровчи Борис Розенталь, Дуся Карпан каби илғорлар кунлик топшириқларини ортиғи билан бажаришяпти.

Н. РУСТАМОВА,
цех ишчиси.

ХАЗИНАТОПАР

Мирзааҳмад ака қувурлардан штольняларга сув, қисилган газ ҳайдаб бераётган электростанция ва компрессор дизелларининг гупиллаши эшитилиб турган ёнбағирдаги сўқмоқдан нўтариларкан, анча баландликда идон изи йўлдан 14-штольня томон секин ўрмалаётган машинага кўзи тушди.

14-штольня ҳам Мирзааҳмад ака кўп кўрган горсимон, ичига трактор ҳам кира оладиган, тепасига ғўлалар терилган ер ости йўлларининг бири холос. Аммо бу штольня унга жуда қадрдон бўлиб қолган. Умрбод эсидан чиқмайдиган бир воқеа худди шу жойда бўлган эди...

...Ҳаммалари яқин орада хушхабар кутишарди. 14-штольнядаги пармалаш станогининг коронласи 235 метр чуқурлигда тошни емирмоқда. Баъзида бир, баъзида ярим метр, ҳатто чоран метр пармаланганда тош қаватлари ўжарлик қилади-ю, коронка тошни емириш ўрнига тош коронкани емириб юборади.

Геологлар қидирилаётган минерал шу чуқурликдаги қатламларда бўлиши кераклигини тахминан айтган эдилар, аммо уларнинг тахминини тасдиқлайдиган қазилма ҳали топилгани йўқ эди.

Мирзааҳмад ака одати бўйича иш вақтидан ярим соат олдин станок олдига келди. Бегмат Шерматов сменасининг ярим метр пармалаганини кўриб хурсанд бўлди. У бошқариш пультида ўтириб, роторнинг айланишига разм солиб, скважинадан қайтиб чиқаётган сувга қараб-қараб қўярди.

Штольня ичидаги ҳаво совуқ, бироз оғирроқ. Упирилган тошларни ташиётган вагонетка занг босган тор изли темир йўлдан тарақлаб ўтиб қолади, вентилятор ваҳмали чиқиради, ротор бир меёрда гувиллаб, ер қаърига кўпроқ ботади.

Эрталабдан кечгача шу манзара, шу шовқин.

— Қаранг, сувнинг ранги ўзгарди! — деди электр аппаратларининг ёнида турган мастер ёрдамчиси Маҳкам Тошпўлатов.

— Шламдан олиб кўр-чи, Мирзааҳмад ака пультдан туриб Маҳкамга буюрди.

У Маҳкамнинг ҳовучидан ҳўл тош қипиғини қўлига олди, лампочка нурига тутиб кўрди. Унинг кўзи анча пишиб қолган. Қайси минерал қандай рангда бўлишини қарамасдан ҳам айтиб бера олади. Мана, ҳозир шламни кўрди-ю, коронка руда қатламларига етиб борганига ишонди.

Оғир айланаётган парма яна бир соат ишлади. Биринчи штангани бураб олишаётганда участка геологи Гера Колмигуров келиб қолди.

— Хўш, нима гап?

— Керни олаётибмиз.

— Дараги борми ўзи? — Гера кулимсираб сўради.

— Ана, шламни кўринг, — Мирзааҳмад ана скважинадан чиқаётган сувга туширилган яшикни кўрсатди.

Гера яшик олдига чўкка тушиб, тош-қипиқни олди. Чўнтак фонарини ёқиб қўлига тутди: чиндан ҳам кўпдан бери қидирилаётган руда заррачалари.

— Қойил, қойил! — Гера қувончини юрагига сиғдира олмай, каттакон калиб билан штангани бураётган Мирзааҳмад анага жилмайиб боқди. — Қувонч устига қувонч бўляпти ўзи. Табриклайман, Мирзааҳмад ака! — У чўнтагидан газета олиб мастерга узатди.

— Тинчликми? — Мирзааҳмад ака газетани ҳайрон бўлиб қўлга олди.

— Мана, қаранг, Пўлатов Мирзааҳмад — Ленин ордени билан... Бугун тўй!

Мирзааҳмад ака пешона терини енги билан артиб қўйди. Газетадан ўз фамилиясини кўрар экан «Наҳотки мен бўлсам» деб қайта-қайта ўзидан сўрарди.

— Раҳмат, Гера, раҳмат — Мирзааҳмад аканинг танасида нимадир юргандай эти жимиллаб кетди. Тўладан келган чеҳрасида, қувончидан қисилиб қолган кўзларида ҳаяжон, ғурур, бахтиёрлик аралаш бир туйғу жилоланди. «Қишлоқдагилар эшитдимикин? Уйдагилар-чи?» У дастлаб шуларни ўйлади.

236-метрга етганда, ўйиб олинган тош устун юзага чиқарилди. Намуналар ҳалталарга жойлангандан кейин уч киши штольнядан чиқди.

Мирзааҳмад ака қўпорилган тош уюмига чиқиб, атрофга, кейин пастга — қишлоқ томонга нигоҳ ташлади.

Эндигина бош кўтарган ўтлар адрлар бетини безаган, чўққиларда қалин қор. Қишлоқ боғлари оқ чодирга ўралган эди.

Мирзааҳмаднинг ёшлиги осмони ҳам, ҳавоси ҳам, суви ҳам мусаффо, боғлари сўлим, одамлари соддадил бўлган қишлоқда ўтди. У мактабда ўқиб юрган кезлари ўтин, ровоч қидириб, тоққа чиқарди. Оғзи тулки инидай қорайиб қолган, чўкич билан қавланган ғорларни кўрарди. Айтишларича, бу ғорларни қулдорлик даврида хитойлар қазиган эмиш. Ўшанда Мирзааҳмад «Улар қандай қилиб кавлашган, нима қазиб олишган, кон борлигини қаёқдан билишди экан» деб ўйлаб, катта бўлганида хазинатопар инженер бўлишни ният қилган эди.

Унинг илмга ташналик йиллари айни уруш даврига тўғри келди. Йигитчанинг орзуси ушалмади. Аммо у ўз фикридан қайтмади. Мирзааҳмаднинг биринчи бор штольня ҳавосини ютганига 15 йил бўлди. У шундан бери «Узглавгеология»нинг «Пекем», «Хумсон», «Обираҳмат» партияларида ишлаяпти. Йигит замбилгалтанда тош ташиди, вагонеткаларга тош юклади, ўқиб пармаловчи мастер бўлди. Қаерда ишламасин, нормани ортиғи билан бажаришни одатга айлантирди.

Ҳозир ҳам Мирзааҳмад ака қиялиқдан шошилмай тушиб бораркан, шуларни ўйлади. Шу куни қалби бахт нашъасидан балқиган Мирзааҳмад ака уйга жуда кеч қайтди...

...Вертолёт овози эшитилди. У нафтини соябон қилиб осмонга қаради. Базадан учган «МИ—4» юксак ғомати кўриниб туман билан ўралган тоғ оралиғида учиб борарди. Вертолёт унинг кеча демонтаж қилинган станогини чўққига олиб чиқади. Ҳозир ўша жойга монтажчилар учиб кетишмоқда. Ҳа, станок чўққидан туриб, тош сандида яширинган ётган жавоҳирни излашга қўл чўза бошлайди.

Мирзааҳмад ака илдам юриб кетди...

* * *

«Чотқол» геология-разведка экспедицияси Ўстарасой разведка партиясининг Ленин орденли смена мастери Мирзааҳмад Пўлатов бошлиқ пармаловчилар бригадаси доимо қаттиқлиги 11 даража бўлган жинсларда ойига 166—175 метр чуқурликда пармалаш ишлари олиб бориб, юқори кўрсатгичларга эришмоқда. Тош сандиқ ичида яширинган ётган хазиналарни очишга бел боғлаган илғорлар бу партияда оз эмас. Бегмат Шерматов, Омонали Азизов, Маҳкам Тошпўлатов, Жамолиддин Омониддинов каби хазина изловчилар ҳам Мирзааҳмад ака билан бир сафда бормоқдалар.

С. ҲОЛНАЗАРОВ.

УЛЬТРАТОВУШ ВА ХИМИЯ

Кейинги вақтда, химия саноатида ультратовуш билан ишлайдиган приборларни яратишга катта эътибор берилаяпти. Бу приборларнинг афзаллиги шундаки, улар ўлчов вақтида технология жараёнларининг бориши устидан оператив равишда контроллик қилади. Бундай приборларни маҳсулотнинг сифатини текширишда ҳамда жуда мураккаб жараёнларни ва параметрларни тадқиқот қилишда кенг ишлатиш мумкин. Масалан, эритмалар, электролитлар, органик қотишмалар консентрациясини ўрганиш ёки юқори молекуляр бирлашмаларнинг полимерланиш даражасини аниқлашда приборларнинг аҳамияти катта.

Ультратовуш усули билан контроль ишларини амалга оширишда юқори аниқликка эришиш мумкин. Текширилаётган процессларни ўлчаш учун оз вақт сарф бўлади. Бундай приборлар ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштиришга ҳам имконият туғдиради.

Айрим вақтларда қотишмаларни оддий, химиявий усул билан анализ қилиш қотишма таркибига кирган моддаларнинг физик ҳамда химиявий хоссалари бир-бирига ўхшаш бўлганлиги туфайли катта қийинчилик туғдиради. Ана шундай вақтда ультратовуш ёрдамида керакли натижага эришиш мумкин. Бунда ультратовушнинг қотишма ичида тарқалиш тезлиги турличадир.

Ўлчаш ишларини ультратовуш ёрдамида амалга ошириш ҳам жуда катта самара беради. Бундай усул билан ўлчаш учун атиги бир неча минут талаб қилинади. Ҳолбуки, оддий химиявий усул билан текшириш учун эса бир суткага яқин вақт кетади.

Ультратовуш ёрдамида турли процессларни контроль қилиш ва текшириш ультратовуш тўлқинларининг суюқ ва газли ҳолатда тарқалиш ва ютилишининг тезлигини узлуксиз равишда аниқлаб туришга асосланган. Гап шундаки, ультратовуш тўлқинларининг тарқалиш тезлиги ва ютилиш даражаси материалларнинг ёпишқоқлигига, эгилувчанлигига, зичлигига, температурасига ва ҳоказоларга боғлиқ. У ўрганилаётган шароитда маълум бир вақт ичида тарқалади.

Т. ОДИЛОВ,
инженер.

Қаҳҳор Хушвақтов Оҳангарондаги 9-шахтанинг пешқадам кончиларидан. Ҳалол меҳнат унга бахт ва обрў келтирди. Қ. Хушвақтов шу кунларда кўмир қазиш смена нормаларини муттасил ортиғи билан адо этиб, кўпминг кишилик коллектив ҳурматига сазовор бўлмоқда. Суратда: ўртоқ Қ. Хушвақтов.

М. Нуриддинов фотоси.

ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛАЁТГАНЛАР

Қўйлиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коллективи республика ва Узбекистон Компартиясининг 40 йиллик тўйини катта совғалар билан кутиб олиш мақсадида иш суръатини кун сайин жадаллаштирмоқда. Барча цех ва участкаларда социалистик мусобақа авж олаяпти. Машинасозлар йиллик планни 25 декабргача бажариш юзасидан эл-юрт олдида олинган ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун ички резервлардан унумли фойдаланишяпти.

Шу туфайли ҳам корхона коллективи икки ойлик ялпи маҳсулот тайёрлаш планини 116 процент қилиб адо этди. Қўшимча бир неча минг сўмлик қишлоқ хўжалик техникаси учун запас қисмлар ишлаб чиқарилди ҳамда пахтакорларга етказилди. Корхонада пешқадамлар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Токарь Юрий Новоселов, пайвандчи Абдурахмон Жалакаев, силлиқловчи Иван Головко ва бошқа ишлаб чиқариш илғорлари нормани 1,5 баравага етказиб адо этмоқдалар ва муттасил сифатли маҳсулот бершмоқда.

Бу йил бир қанча янги запас қисмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. ДТ—54 трактори двигатели учун жуфт плунжерлар тайёрланаяпти. Бундай деталлар эскиларини қайта тиклаш йўли билан ясалаяпти. Илгари эса улар ташлаб юборилар эди. Машинасозлар январь ойида жуфт плунжерлардан 300 дона, февраль ойида эса бунга қарагандa 3 баравар кўп тайёрлашди. Март ойида қайта тикланганлари ҳозирнинг ўзидаёқ мингтадан ошиб кетди.

Яқинда эскирган поршен ҳалқаларини тиклаш ҳам йўлга қўйилди. Қирқ тоннали гидро пресслар учун запас қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

А. КИМ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ДАСТУРХОНИМИЗ ЗЕБИ-ЗИЙНАТИ

Илк баҳор келиши билан деҳқон далага ошиқади. Уларнинг ҳар бири катта-катта умидлар билан хазина — ерга барака уруғини қадайди. Бундай кезларда қариялар «Деҳқоннинг куни туғилди» дейишади. Баҳорнинг ҳар бир дақиқаси ғанимат. Вақтинг кетди — нақдинг кетди, деб бежиз айтмайдилар.

— Ҳамма баракат ҳаракатда, — дейди Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхознинг миришкор деҳқонлари... Улар бу йил баҳорги экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўришди, машина, тракторлар вақтида ремонтдан чиқиб, тахт қилиб қўйилди. Бригадалар баҳор кунларининг ҳар дақиқасини бекор ўтказмасликка ҳаракат қилишди. Аммо, аксига юриб экишнинг айни палласида ёмғир кетидан ёмғир ёғабошлади. Далада юрган деҳқонлар ўйланиб қолишди. Нима қилиш керак? Об-ҳаво шу зайлда кетаверса экиш ишларининг суръати пасайиб кетади-ку. Бир корини қилиш керак!..

Колхоз правлениесининг идораси. Раисдан тортиб барча активлар шу ерга йиғилди. Колхоз раиси Солижон Жўраев қисқача қилиб аҳволни тушунтириб берди. Тўпланганлардан маслаҳат беришни илтимос қилди. Шунда колхознинг бош механиги Абдураззоқ Бойбобоев жон қуйдириб гапирди:

— Ёмғир туфайли экиш кечикаётганидан қаттиқ хафаман. Ахир биз 210 гектар ерга сабзавот экинлари экишимиз керак, 170 гектар ерга эса, картошка экилади. Қимматли фурсатлар ўтиб бормоқда. Ҳозир дала лой. Далада трактор юролмайди. Шунинг учун бир фикрни айтмоқчиман: беш қаторли от маркерлари ясасак. Маркер билан ариқ тортилади. 2—3 одам ариқчаларга уруғлик картошкани ташлаб кетаверади. Карамларга ариқ олишда эса ДТ-28 тракторидан фойдалансак. Унга КРН-2,8 культиваторини мослаш йўлини ҳам ўйлаб қўйдим,—деди у қатъий.

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Ўша куниёқ колхоз устахонасида 8 та беш қаторли от маркерлари ясалди. Бир неча ДТ-28 тракторларига КРН культиваторлари мосланди. Эртаси куни эса, экиш суръати анча жонланиб кетди.

Қаловини билсанг қор ёнар, дейди халқимиз. Свердлов номли колхознинг азамат сабзавотчилари об-ҳавонинг инжиқликлари олдида қўл қовуштириб ўтирмадилар. Ер лой бўлса ҳам иложини топишди.

Колхоз областимизда биринчилар қаторида эртаги сабзавот ва картошка экиш планларини муваффақиятли ado этди. 50 гектар ерга карам, 55 гектар ерга картошка, 30 гектар ерга пиёз, 13 гектар ерга лавлаги, 10 гектар ерга сабзи сифатли қилиб экилди.

Экинларни экишда сифатга, айниқса, катта эътибор берилди. Ҳар бир бригадада иш олиб бораётган сифат комиссиялари колхоз правлениесига катта ёрдам кўрсатди. Улар бажарилган ишларни сифатига қараб қабул қилиб олишар ва меҳнат куни ёзишар эди. Сифатсиз бажарилган ишлар колхоз правлениесининг кўчма мажлисларида муҳокама қилинди. Бир мисол: правлениенинг навбатдаги кўчма мажлиси Юсуп Рўзиев бошлиқ бригадада бўлиб ўтди. Бригаданинг сифат инспектори Т. Раҳимов чорак гектар ерда карам кўчати сифатсиз экилганлигини аниқлади. Дарҳол правлениега мурожаат қилди. Айбдорлар муҳокама қилиниб, жазо олдилар.

Колхозда парник хўжалигининг иши намунали йўлга қўйилган. Ўртоқ С. Ёрмуҳамедов бошлиқ парникчилар сифатли кўчатлар етказиб беришди. Энахон Қаҳҳорова, Графиня Холдорова, Раҳимжон Рихсиев, Малика Жаримбетова, Андрей Береговой каби илғор кишилар кўчат етиштиришда ўзларининг ҳақиқий миришкор эканликларини намойиш қилдилар. Улар бошқармадаги бошқа хўжаликларга ҳам бир ярим миллион тупга яқин кўчат етиштириб беришди.

Шу кунларда колхоз далаларида экинларни парвариш қилиш ишлари бошлаб юборилди. Карамга биринчи ишлов берилмоқда. Пиёзлар ўтоғи тамомланай деб қолди. Ҳар бир экиннинг табиатига қараб ўғит солинмоқда.

Колхоз сабзавотчиларининг бу йилги социалистик мажбуриятлари анча салмоқли. Улар ҳар гектар ердан 400 центнер карам, 200 центнер пиёз, 150 центнер сабзи, 150 центнер картошка, 350 центнер помидор ҳосили кўтаришга аҳд қилишган.

— Бизлар, албатта, ўз сўзимизнинг устидан чиқамиз, — дейди колхоз раиси ўртоқ С. Жўраев, — бундай дейишимизга сабаб шуки, барча экинларимизни қийинчиликларга қарамай ўз вақтида экиб олдик. Улар ҳозир яхши ривожланмоқда. Миришкор деҳқонларимиз экинларнинг ишловини ҳам жойига қўяётир. КПСС Марказий Комитети февраль Пленумидан кейин бригадаларимиз бошқарма ҳузурида ташкил этилган қишлоқ хўжалигини химиялаштириш асосларини ўрганиш курсларида ўз билимларини ошириб келдилар. Колхознинг раҳбар ходимларидан бир неча киши химия университетида ўқимоқда.

Раис ҳақ гапни айтди. Бу хўжаликнинг сабзавотчилари шаҳарликлар учун мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари, ширинлиги тилни ёрадиган қовун-тарвузлар, дастурхон безаги бўлган мевалар етказиб бериш учун фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг қўлланмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу колхоз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича йилдан-йилга планларини ошириб бажармоқда.

Р. УМАРОВ,
К. МУҲАМЕДОВ.

ҲУРМАТГА САЗОВОР КИШИЛАР

Идоранинг залига қўйилган «Ҳурмат тахтаси»нинг олди бир зумда одамлар билан гавжум бўлиб кетди. Ишчилар унинг олдида узоқ тўхталишиб, ўз касбдошларига суқланиб қарашарди.

— Балли, отасига раҳмат!

— Қандини урсин.

— Бу аёл билан бирга ишлайман. Тинив-тинчимайдиганлардан.

Ҳа, «Ҳурмат тахтаси»нинг биринчи қаторида сурати турган аёлга бир тикилиб боқинг-а. Унинг вужуди ғайрат билан тўлган. Чарчаш нималигини билмайдиган бу аёл анча йилдан бери фермада ишлайди: Моҳия Иноғомовага 26 бош сигир биркитилган. Кунига ҳар бир сигирдан 12 литрга етказиб сут соғиб олади. Икки ярим ой ичида пландан ташқари ўнлаб литр сут топширди. Ҳар сафар ҳам ойлик топшириқни 130 процентдан ошириб бажармаса кўнгли жойига тушмайди.

Моҳия опанинг ёнида Мактуба Набиеванинг сурати турибди. Бу ёш қиз яқиндагина фермага келган. Аввал у молбоқарларга ёрдамлашди. Кейин сут соғишга ихлос қўйди. Тиришқоқ экан, тезда кўпчиликнинг ишончини оқлади: «Арча» усулида сут соғишни ўрганиб олди. Мактуба салкам уч ой ичида ҳар бир соғин сигирдан 500 литрданга етказиб сут соғди. У топшириқни доимо 125—140 процент қилиб ado этяпти. Дугонаси Матлуба Қодированинг ишидан ҳам ҳамма хурсанд. Унинг боқувида 27 бош сигир бор. Бу сигирларнинг ҳаммаси семиз ва серсут. 75 кун ичида ҳар бир сигирдан 482 литрдан сут соғиб олди.

Мана, Бўрибой Алимов. Бузоқ боқишда унга тенг келадиган йўқ. У ҳар бир бузоқни алоҳида меҳр билан парвариш қилади. Тонг азондан кечгача фермада бўлади.

Авваллари бузоқлар сигир сути билан боқилар эди. Эндиликда эса сунъий сут билан озиқлантириш кенг йўлга қўйилди. Арпа экилган ерлардан олинадиган барра ўт ҳам ювилиб бузоқларга берилмоқда. Бу ҳам Бўрибойнинг ташаббуси.

«Ҳурмат тахтаси»да ҳаммаси бўлиб, совхоз чорвадорларидан 12 кишининг сурати турибди.

— Совхозимизда, — дейди директор ўртоқ С. Акромов, — бу каби илғорларнинг сони кундан кунга кўпайиб бормоқда. Улар шаҳар аҳолисини мўл-кўл сут билан таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Буни кейинги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин. Бизда сут топшириш квартал плани ошириб бажарилди. Ўтган йилга нисбатан сут топшириш 24 тоннага қўпайди. Бу вақт ичида совхоз чорвадорлари биргина шаҳар меҳнаткашларигагина эмас, ҳатто совхоз ишчиларига ҳам минглаб литр сут етказиб беришга муваффақ бўлдилар.

Чорвадорлар эришилган ютуқларни амалда мустаҳкамлашяпти. Улар партиямиз Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарорларидан ўзлари учун тегишли хулоса чиқарган ҳолда ишламоқдалар. Чорвачиликда химиядан моҳирлик билан фойдаланиб, янгидан-янги ютуқларни қўлга киритяптилар. Гўшт топшириш ҳам яхши бораяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ гўшт топшириш квартал плани 120 процент қилиб ado этилди. Чорвадорлар апрель ойида ярим йиллик гўшт топшириш планини бажариш учун курашмоқдалар. Шу мақсадда жуда кўплаб чорва моллари бўрдоқига қўйилган.

М. ҒОЗИЕВ,
«Келес» совхози.

Суратларда: (юқорида) 1. Колхоз далаларида картошканинг сўнгги гектарлари экиб тамомланмоқда. 2. Карамларга биринчи ишлов беришнинг бориши ҳақида бригада бошлиғи Еқуб Юсупов (чапда) илғор механизатор Каримқул Аҳмадқулов билан суҳбатлашмоқда. (Пастда) 3. Боғдорчилик, хўжаликда асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. Узум қатор ораларига тракторлар воситаси билан ишлов берилмоқда. Бригадир Қўчқор Эликов (чапда) тракторчи Қаюм Нуровнинг ишидан мамнун.

Қ. Розиқов фотолари.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ОҚҚЎРҒОН. Энгельс номли колхознинг коммунист ўртоқ Ж. Қурбонов бошлиқ бригада аъзолари бу йил экин майдонларини янгиерлар ҳисобига кенгайтирдилар. Қисқа вақт ичида 60 гектар қўриқ ер ўзлаштирилиб, пахта майдонига айлантирилди. Энди бригада ери 140 гектарга етди. Деҳқонлар социалистик мусобақани қучайтириб, ҳар гектар ердан 32 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар.

Бригада аъзолари мажбуриятга яраша меҳнат қилмоқдалар. 400 тонна маҳаллий ўғит ташиб қўйилди. 400 тонна компост тайёрланди.

С. МУСАХЎЖАЕВ.

ЯНГИИЎЛ. Собир Раҳимов номли колхознинг ўртоқ Тешабоев бошлиқ бригадасида иш авжида. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил кўтариш учун зўр ғайрат кўрсатиб ишлашмоқда. Улар ҳар гектар ер майдонига 8 тоннадан маҳаллий ўғит ташиб қўйдилар. Бригаданинг ариқ-зовурлари қазиб, тозалаб қўйилди. Ерларни текислаб, экишга тахт қилмоқдалар. Бу ишда Т. Нортоев, Т. Рустамова, Н. Қосимова ўртоқлар аёлларга намунали меҳнат қилишяпти.

Қ. АБДУҚАЮМОВ

ПАРКЕНТ. Ҳамид Олимжон номли мактабнинг ўқитувчилари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларини колхозчилар ўртасида кенг пропаганда қилишяпти. Яқинда қишлоқдаги клубда химия ўқитувчиси Ўртоқ Ғулом Қулматов «Химия мўъжизаларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг аҳамияти» ҳақида доклад қилди. У токларни парвариш қилишда минерал ўғитнинг афзалликларини илғор хўжаликлар мисолида кўрсатиб берди.

Т. РЎЗИМАТОВ.

ТЎЙТЕПА. Ер ўғитга қанча тўйдирилса, ҳосил шунча мўл бўлади. Буни яхши тушунган О. Тўлабоев бошлиқ бригада аъзолари шу кунларда дала бошларига 200 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит ташиб чиқардилар. 53 тонна минерал ўғит шийпонларга ташиб олинди.

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Куйбишев номли колхознинг бу пешқадам бригадаси ҳар гектар ерда бу йил 25 центнердан «оқ олтин» етиштириш тараддудида экишга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

А. РАҲИМБОЕВ.

СУВ РАВОН ОҚАДИ

1.«Оққўрғон» совхозининг 4-бўлими ерларидан катта анҳор ўтади. Бу анҳор бўлимнинг барча экин майдонларини ёзда сув билан таъминлайди.

Бу йил бўлим ишчилари шу анҳорни тозалашга жуда эрта киришдилар. Жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилиниши туфайли анҳор қисқа вақт ичида сифатли тозалаб бўлинди. Шунингдек, бўлимдаги мавжуд бошқа ариқ-зовурлар ҳам сув равон оқадиган қилиб тозаланди.

Бўлим меҳнаткашлари ҳозирги кунда далаларни ёввойи ўт илдизларидан тозаламоқдалар. Бунда Хожар Хожиева, Абдураҳмон Нурматов, Бибижон Муркиева, Отабой Ҳамзаев ўртоқлар шижоат кўрсатиб, кунига 40—50 килограммдан ёввойи ўт илдизларини териб олаяптилар. Аҳил коллектив чигит экишгача барча майдонларни ёввойи ўт илдизларидан тозалаб бўлиш учун кураш олиб бормоқда.

И. НОРМАТОВ.

ЯНГИ БОҒ-РОҒЛАР

«Ўзбекистонни бир бутун боғ республикасига айлантиришимиз керак. Буни қилиш қўлимиздан келади. Ҳар бир киши бир жуфтдан кўчат экканда ҳам республикамиз мева дарахтларига бурканади. Яхши ният билан кўчат экайлик!» Бу — машҳур соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг сўзлари.

Шу кунларда кўпчилик хўжаликларда машҳур соҳибкорнинг чақириғига жавобан янги-янги боғ-роғлар бунёд этилаяпти. Буни Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» совхози мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Совхоз ишчилари ўтган йили давлатга 47 тонна мева топшириб, ўз эҳтиёжидаги мажбуриятни ошириб бажарган эдилар. Соҳибкорларнинг бу йилги аҳди янада катта. Улар 100 гектар ерда мевазор барпо этишга бел боғлашган. Шу кунларда совхозда бўлган киши соҳибкорларнинг ўз аҳдлари устидан чиқиш учун қизғин меҳнат қилаётганликларини кўради. Бу ерда мевали дарахт кўчатлари ўтқазиш уюшқоқлик билан бормоқда. Совхозда 19 минг туп олма, олхўри, шафтоли, беҳи, гилос кўчатлари ва 10 минг тупдан ортиқ ток ўтқазилди.

Совхознинг Х. Отажонов бошлиқ бригадасида барпо этилган боғ ҳозир яшнаяпти. Экилган дарахт кўчатлари барқ уриб ўсяпти.

М. МИРЗАЕВА,
Я. МОРДУХАЕВ.

ОМБОРЛАР ДОНГА ТЎЛСИН

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг туб масалаларини белгилаб берди. Ана шундай масалалардан бири дон етиштиришни кескин кўпайтириш, суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 100 центнердан ва ундан ҳам ошириб дон олишдир.

Техника ва суғориладиган дон экинлари бўлими кейинги беш йил мобайнида Тошкент областининг ўтлоқ-тупроқли ерларида маккажўхори экиб ўстириш агротехникасига оид масалалар ишлаб чиқилди.

1959—1961 йилларда маккажўхорининг ВИР—156 гибриди ва Кремнистая УзРОС 1 нави тажрибадан ўтказилди. 1962 йилдан бошлаб эса янги Днепровская 200 нави устида тажриба олиб борилди. Маккажўхори ўстириш агротехникасига ҳам баъзи бир ўзгартишлар киритилди. 1962 йилгача уяларда иккитадан, ҳар гектарда 40,8 минг кўчат қолдириларди. 1962 йилдан бошлаб уяларда ўртача 2—3 тадан ўсимлик қолдирилди, кўчат қалинлиги 50 минг тупга етди.

Шудгор — юқори ҳосил гаровидир. Тажриба ўтказиладиган ер ноябрь-декабрь ойларида 27—30 сантиметр чуқурликда ҳайдалди. Шудгорлаш олдидан гектар бошига 15—20 тоннадан чириган гўнг, 600 килограммдан (соф ҳолда 100 килограмм) суперфосфат солинди. Баҳорда ҳар гектар ерга 200 — 300 килограммдан суперфосфат ёки 35—50 килограммдан фосфор кислотаси солдик. Чигит экишдан олдин ернинг юза қатламини дискаладик ва айни вақтда бороналадик.

1963 йилда экишдан икки кун олдин бир йиллик ёввойи ўтларга қарши гектар бошига 3 килограммдан симазин (гербицид) сепилди. Бу қўлда ўтоқ қилишдан буткул қутилиш имконини берди.

Маккажўхори уруғлари экишдан олдин офтобда қиздирилди ва ҳар 100 килограмм уруққа 1,0 — 1,5 килограмм 12 процентли гексахлоран эритмаси пуркалди. Уруғ энг қулай муддатда — апрелнинг иккинчи ярмида СКГК—6В ва СКГН—6 сеялкалари билан 70х70 сантиметрли схемада квадрат-уялаб экилди. Маккажўхори 3—4 тадан чин барг чиқарганда ягана қилиниб, ҳар бир уяда 2—3 тадан ўсимлик қолдирилди.

Маккажўхори 4—5 тадан чин барг чиқарганда гектар бошига 70—75 килограммдан, барглари 8—10 тага етганда эса 75—80 килограммдан аммиак селитраси солиб озиқлантирилди.

Агротехника усуллари комплексини қўлланиш туфайли Днепровская 200 навли маккажўхорининг ҳар гектаридан 1044,5 центнердан кўкпоя ва 93,3 центнердан дон, Кремнистая УзРОС 1 навидан 752,8 центнердан кўкпоя ва 89,3 центнердан дон олинди. ВИР —156 гибридидан олинган дон бирмунча юқори бўлди. Чунончи 1961 йилда етиштирилган дон гектар бошига 106,6 центнерни ташкил қилди. 1963 йилда айрим тажриба участкаларида ҳосилдорлик 104 центнерга етди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси бир йилда икки марта ҳосил етиштиришни кўзлаб амалга оширилди. Биринчи экин сифатида нўхат экилиб, гектарлардан 23,4 центнердан дон олинди. Нўхат ўриб олингач, ер дарҳол суғорилди, шудгорлашдан олдин ҳар гектарга 80 килограммдан фосфор кислотаси солинди. Худди шу майдонга иккинчи экин сифатида маккажўхори экилиб, унинг ҳар гектаридан 75,6 центнердан дон олинди.

Июнь ойининг иккинчи ўн кунлигида маккажўхорининг ВИР — 42 гибриди экилди. Уруғ 60х60 сантиметрли схемада квадрат-уялаб экилди ва ҳар бир уяда учтадан ўсимлик қолдирилди. Маккажўхори тўрт-бешта барг чиқарганда гектарига 80 килограмм ҳисобидан азот солинди.

Беш йил мобайнида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларидан бир йилда икки марта ҳосил олиш, дон ҳосилдорлигини гектар бошига 100 центнерга етказиш, ҳатто ундан ҳам ошириш мумкин экан.

Экиш схемаларини тўғри танлаш ҳам ҳосилдорликни ошириш да муҳим роль ўйнайди. Масалан, маккажўхорининг ВИР—156 гибриди уруғларини 60х30 схемасида квадрат-уялаб экиб, уяларда иккитадан ўсимлик қолдириш 60х60 схемасига қараганда анча фойдалидир.

Шунинг учун колхоз-совхозларга маккажўхорининг тезпишар, ўртапишар нав ва гибридларини 60х60 схемасида, кечпишарини эса 70х35 схемасида экиб, уяларда иккитадан ўсимлик қолдиришни тавсия этамиз.

Х. АЗИМОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

М. САЛТАС,
илмий ходим.

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ!

Машҳур соҳибкор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофоти лауреати Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг «Боғдорчиликни севинг» сарлавҳали мақоласи республикамизда боғ-роғларни кўпайтиришда катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир колхоз ва совхозда, шаҳар ва районда мевали боғлар, узумзорлар барпо этиш учун ҳамма имконият бор. Фақат бу ишда бутун жамоатчилик актив қатнашиши ва боғларни, кўчатларни парвариш қилишга жиддий эътибор бериш керак.

Кўп йиллик кузатишлар ва тажрибалар шу нарсани кўрсатдики мева ва узум кўчатларини экишдан олдин ерни 25—27 сантиметр эмас, 50—60 сантиметр ва ундан ҳам чуқур қилиб, плантаж плуг билан ағдариб ҳайдашнинг фойдаси катта. Ана шунда кўчат яхши ўсиб тез ривожланиб, барвақт ҳосилга киради.

Ерни ҳайдашдан олдин ҳар гектарига 30—40 тоннадан маҳаллий ўғит, 800—1000 килограммдан суперфосфат аралаштириб, бир текисда сочиб чиқиш керак.

Ўзбекистон шароитида олмани 10х10 ва 10х8 метр, гилос, нок 8х8 метр, ўрик ва ёнғоқ 10х10 метр, олча, олхўри, шафтолини 5х5 метр оралиқларга жойлаштириш тавсия этилади.

Ўтқазиладиган кўчатнинг бехато ва тез ўтиб кетиши учун нималарга риоя қилиш керак: кўчатнинг илдизидаги шикастланган ва чириган қисмлари кесиб ташланади. Илдизнинг қуриб қолиши ва шамоллашдан сақлаш учун уни гўнг-лой аталасига ботириб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни икки киши бажаради: бир киши кўчатни тик ҳолда ушлаб туради, иккинчи киши илдиз устини кавлаб олинган тупроқ билан кўмади. Тупроқни чуқурликнинг чети бўйлаб аста-секин тушуриб оёқ билан илдиз бўғизи томон зичлаб борилади. Илдиз теварагида, орасида ҳаволи жой қолмаслиги керак. Кўчатнинг илдиз бўғизи ер бетидан 3—5 сантиметр кўтарилиб баланд бўлиб турсин. Ўтқазилган кўчатнинг тагига бироз тупроқ уйиб қўйилади. Бу тупроқ иккинчи суғоришдан кейин текислаб ташланади. Ернинг намлилик даражаси ва кўчат қаймаҳалда экилгандан қатъий назар дарҳол суғорилиши керак.

Кўчат ўтқазилгандан кейин унинг шох-шаббалари маълум даражада кесилиб ихчамлаштирилиб шакл берилади. Бу кўчатнинг бехато кўкаришига ёрдам беради.

Кекса ва тажрибали соҳибкорлар тупроқнинг намлик даражасига қараб ток навларини қуйидагича экишни тавсия этадилар: ер ости сувлари бир ярим-икки метр чуқурликда жойлашган ерларга саперави, баян-ширей, бишти, тоғ узуми экиш керак. Бу навлар намликни севади. Ер ости сувлари 3—6 метр чуқурликда жойлашган ерларга нимранг, хусайни, буваки нав узумларни, ер ости сувлари бундан ҳам чуқур жойлашган ва суғориш қийин бўлган қуруқ жойларга пушти паркати, қора кишмиш, пушти тойфи навлар экилса мўл ҳосил беради.

Шуни эсдан чиқармаслик керак, кичик участкаларда, ҳовлиларда, томорқаларда токнинг ҳамма навлари ҳам мўл ҳосил беравермайди. Бундай жойларга қора кишмиш, хусайни, нимранг, буваки, тоғ узуми навларини экиш яхши натижа беради.

Маълумки, йил мобайнида ҳаводан 500 миллиметрдан кам намлик тушмайдиган тоғли районларда лалми узум, кам деганда 700—800 миллиметр ёғин тушадиган районларда лалми мевазорлар барпо қилиш мумкин. Бундай ерлар областимизда кўп.

Тоғли районларда кўчатни кузда ва эрта баҳорда ўтқазилади. Бундай ерларда баҳор кеч бошланади. Лекин кўчат экишни қисқа давр ичида тамомлаш талаб қилинади.

Мевали дарахтларнинг иссиққа ва совуққа чидамлилигига қараб тоғ ёнбағирларига экиш катта аҳамиятга эга. Масалан, сувни яхши кўрадиган олма, ёнғоқ, олча каби мева кўчатларини шимолий тоғ ёнбағирларига, қуруқчиликка анча чидамли бўлган писта, узум каби мева кўчатларини жанубий, ғарбий ва шарқий қияликларга экиш керак.

Тоғ ёнбағирларида мевазорлар барпо қилишда Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси территориясига жойлашган Чирчиқ ўрмон хўжалиги коллективи катта ишлар қилмоқда. Ана шу хўжалик коллективи ҳар йили денгиз сатҳидан 900—1000—1100 метр баландликдаги тоғ қияликларига зинапоя усулида 50—100 гектарлаб олмазор, бодомзор ва тоғолчазорлар барпо қилмоқда. Зинапояларга пайванд қилинган кўчатлар экилади. Еввойи ҳолда экилган айрим бодом, олма ва тоғолча кўчатлари ўз жойида маданий, серҳосил берадиган олма, бодом ва тоғолча навларидан қаламчалар тайёрланиб куртак пайванд қилинади.

Экилган кўчатларнинг 80 процента ва ундан ҳам кўпи кўкармоқда. Бўстонлиқ ва Паркент зонасида жойлашган Киров номли колхозда, «Хўжакент» совхозида ва академик Р. Р. Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтининг Бўстонлиқ филиалида бир неча гектар массивда узумзорлар вужудга келтирилмоқда. Ток денгиз сатҳидан 900—1200 метргача бўлган қияликларда ўстирилаяпти. Булардан келиб чиқадиган хулоса шуки, илғорларнинг тажрибасини қўлланиб тоғли районларда мевазор ва узумзорлар барпо қилишга катта аҳамият бериш лозим.

Ҳозир кўчат ўтқазишда энг қулай damлар ўтиб бораяпти. Келгусида мевадан, узумдан мўл ҳосил оламан десангиз, ана шу ғанимат damларнинг қадрига етинг, кўчат экишни сифатли ўтказиш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланинг. Мева дарахтлари ва ток кўчатларини уларнинг биологик талабига мос келадиган жойга экиш ва агротехника қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда парвариш қилиш — бу мўл ҳосил гаровидир.

М. СОБИРОВ,
Х. АМИНОВ,
Х. ҒУЛОМОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

ДЎСТЛАР ДАВРАСИ

Пойтахтимиздаги 119-мактабда ўндан ортиқ миллат вакиллари бир онла фарзандларидек аҳил бўлиб, билим олмоқдалар. Ўқувчилар ўртасидаги дўстлик тобора кенг қулоч ёзаяпти.

Мактабда немис, инглиз, форс тилларни ўқитилади. Ўқувчларнинг бир-бирлари билан шу тилларда сўзлашаётганликларини кўриб беҳад қувонасан, киши. Яқинда мактабда дўстлик кечаси бўлиб ўтди. Бу кечага Тошкент олий ўқув юртларида билим олаётган эрон, афғон студентлари ҳам таклиф этилдилар.

Кечада пролетар интернационализми ва дўстлик алоқалари тўғрисида XI синф ўқувчиси Мавлонова, Алимуҳамедовалар немис ва форс тилларида сўзлаб бердилар. Ўқувчилардан Иброҳимова, Ҳикматуллаев, Содиқов, Ғафуровлар эса чет тилларда ёзилган шеърларни ёддан ўқиб беришди.

В. УМАРОВ.

Суратда: Мактабга меҳмон бўлиб келган студентлар ўқувчилар билан суҳбатлашмоқда.

А. Абалян фотоси.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗДА

УЧАСТКАДА МЕДПУНКТ

Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Жамбул» колхозининг «Оқтепа» участкасида ҳозирги замон медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган медпункт очилди. Медпункт аҳолига яхши хизмат кўрсатмоқда.

А. ЭРГАШЕВ.

ДЕКОРАТИВ ДАРАХТЛАР КЎПАЙМОКДА

Чирчиқ шаҳридаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати ишчилари баҳорги кўчат ўтказиш ишларини қизитиб юборишдилар. Комбинат коллективи ҳозиргача 200 га яқин мевали дарахт кўчати, гуллар ўтказди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ИЛТИФОТИНГ УЧУН ТАШАККУР

Тушимдамиш: бир пари-пайкар
Ваъда қилар эмиш жаннат, гул,
Ваъда қилар эмиш гулоб, бол,
Ваъда қилар эмиш молу-мулк.

Бўронларни йўлатмасмиш ҳеч,
Булутларни кўрмасмиш раво.
Менинг учун зангор тоғлардан
Олиб келар эмиш соф ҳаво.
Менинг учун чироқ бўлармиш,
Кечалари —юмшоқ тўлиной.
Совуқ есам— ёқимли офтоб,
Чўллаб қолсам —шопирилган сой.
Ваъда қилар эмиш дунёнинг
Ҳамма лаззатини, тотини.
Аммо ваъда қилмасмиш зинҳор
Ўз дилини ва ҳаётини.
Илтифотинг учун ташаккур,
Бир қошиқ бол қўшган чўл қизи.
Ўша, дебман, севгим, жаннатим,
Ўша, дебман, қалбим, ёлғизим.
Илтифотинг учун ташаккур,
Шўх экансан, деган эмишман.
Лекин узр: мен ўтдай иссиқ —
Чўл қизини бахтим демишман.

Султон АКБАРИЙ

ЁДИМДА

Чўлга чиқиб, гуллар кўзидан
Шабнам ичганларим ёдимда...
Мана энди, чўл ёзилмаган
Оқ қоғоздай ётар олдимда.
Ерга янги ғарч солинганми,
Боссанг, гўё жаранглайди қор.
Шеър билдирар соғинганимни,
Қиш бўлса ҳам, қалбимда баҳор.
Қўшиқ бўлиб туғилар севги,
Қўшиқ бўлиб босар ҳаяжон.
Юрагимнинг қайнашин энди
Чўлга бағишлайман, аяжон!
Аллақандай зангори қори,
Аллақандай сеҳркаш қиши.
Ют, ҳавоси ўпканга дори,
Яшаргандай туюлар киши.
Чўлга чиқиб гуллар кўзидан
Шабнам ичганларим ёдимда...
Мана, энди, қишда ўзига
Тўймай ёзган шеърим олдимда.

1964 йил, март.
Гулистон.

ЎЗБЕКИСТОН ГУЛЛАРИ

Тошкентда янги «Ўзбекистон гуллари» савдо ташкилоти ишлайбошлади.

Янги бирлашмани қайси ташкилотлар гуллар билан таъминлайди? Шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги декоратив боғдорчилик совхози бу вазифани зиммасига олди. Бундан ташқари Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти, Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Ўрта Осиё станцияси ва бошқа ташкилотлар ҳам ўз гулларини янги бирлашма ихтиёрига топширади. Бу ташкилот фақат республикамиз шаҳарларинигина эмас, балки Москва, Ленинград, Сибирь ва Урал шаҳарларини ҳам ранг-баранг гуллар билан таъминлайди. Яқин кунлар ичида самолёт Ўзбекистон гулларини Москвага олиб боради.

ГРАФИКА САНЪАТИ УСТАЛАРИ

Республикамизнинг моҳир график рассомлари Александр Михайлович Венедиктов билан Серафим Александрович Марфин ўртоқларнинг туғилганига 50 йил, ижодий фаолиятларига 35 йил тўлди. Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон рассомлар союзи биносида бу икки кекса санъат устасининг асарлари кўргазмаси очилди.

А. Венедиктов ва С. Марфин ўртоқларнинг ўзларига хос ижодий услублари, тажриба ҳамда қаламларига мос бўёқлари бор. Бу икки мўйқалам соҳиблари ўзбек сатираси ва плакат жанрининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келяптилар. Шу билан бирга улар рус, ўзбек ва чет эл прогрессив ёзувчилари асарларига иллюстрациялар ишлашда ҳам сезиларли хизмат кўрсатишяпти.

Рассомларнинг мазкур шахсий кўргазмасини томоша қиларкансиз, бу фикримизга тўла ишонч ҳосил қила оласиз. Кўргазмада уларнинг сатирик лавҳа, портрет, китобларга ишлаган иллюстрациялари, газета-журнал графикаси, плакат жанрларида бажарган 200 дан ортиқ экспонатлари намойиш қилинмоқда.

Венедиктов графика санъати соҳасида кўп ишлар қилган. Бу ерда унинг турли мавзўларда чизган асарларидан намуналар қўйилган. Шуни ҳам айтиш керакки, рассомнинг кўргазмада томошабинлар диққатини айниқса кўпроқ жалб қилаётган ишларидан «Ўзбек халқ эртаклари» китобига чизган безакларига Бутуниттифоқ китоб графикаси ва плакатлар кўргазмаси Комитети томонидан иккинчи даражали диплом берилган. Шунингдек, рассом Ўзбекистон нашриёт ва полиграфия илмий техника жамияти томонидан нашр этилган «Биз Совет Ўзбекистонини кўрдик» китобига ишлаган безаклари учун биринчи даражали диплом билан тақдирланган.

Сатира жанрининг равнақи йўлида анчагина ишлар қилиб келаётган рассом С. Марфиннинг мазкур кўргазмага қўйилган асарлари ҳам санъат мухлисларининг эътиборини тортмоқда.

Т. ОДИЛБЕКОВ.
Ш. ФОЗИЛОВ.

ФУТБОЛ ҲАҚИДАГИ ГАПЛАР

✦ «А» класси командалари ўртасида футбол бўйича СССРнинг XXVI чемпионатига мамлакатнинг 37 шаҳридан 90 судья хизмат қилади. Булар орасида Ленинграддаги заводлардан бирининг токари Петр Белов ва техника фанлари кандидати Николай Латишев сингари кўп йиллик стажга эга бўлган судьялар бор. Ленинградлик механик Евгений Одинцов, Киев физкультура институтининг кафедра мудири Николай Баланин, Москва энергетика институтининг ўқитувчиси Николай Хлопотинлар матчларга кўп йиллардан буён судьялик қилиб келишмоқда. «А» классига биринчи марта хизмат қиладиган судьялар ҳам бор, Булар—автобаза директори Маҳмуд Обиджонов (Душанба), тренер Гурам Акобашвили (Тбилиси), физкультура ўқитувчиси Борис Белозеров (Тошкент), шофер Темур Валиев (Боку), автомобиль йиғиш заводининг рандачиси Виктор Добровольский (Одесса) ва механик Геннадий Заломаев (Ленинградлардир.

✦ Москвалик хизмат кўрсатган спорт мастерларидан Лев Яшин, Игорь Нетто, Владимир Кесарев, шунингдек минсклик спорт мастери Альберт Денисенколар «А» класси командаларининг ветеранларидир. СССР чемпионатида биринчи марта 1949 йилда қатнашган Игорь Нетто келгуси мавсумдаёқ ўша йилги энг яхши 33 футболчи рўйхатига кирди. Лев Яшин СССР биринчилигида 1950 йилдан бери қатнаша бошлади.

✦ Боку «Нефтяник» командасининг дарвозабони Сергей Крамаренко, Минск «Динамо»сининг ўйинчиларидан Евгений Кузнецов ва Олег Севидов (команда тренери А. С. Севидовнинг кенжа ўғли), Боку «Нефтяник» командасининг ўйинчиси Анатолий Бабишевский ва Ростов Армия спорт клубининг ўйинчиси Владимир Буфаловлар «А» классидаги биринчи группа командаларининг энг ёш футболчиларидир. Буларнинг ҳаммаси 18 ёшда.

✦ Фақат бешта командагина «Футбол тоғимиз»нинг энг баланд чўққисига кўтарилишга муваффақ бўлган. «Динамо» (Москва) 10 марта, «Спартак» (Москва) 8 марта, Армия марказий спорт клуби 5 марта, «Торпедо» (Москва) ва «Динамо» (Киев) 1 мартадан СССР чемпиони номини олган.

✦ Мамлакатнинг ҳозирги чемпиони Москва динамочилари СССР биринчилиги учун ўтказилган ўйинларда энг юксак кўрсатгичга эришган. Динамочилар 595 та матч ўтказиб, 357 тасида ғалаба қозонган. 123 тасини дуранг қилган, 115 матчда мағлубиятга учраган. Тўплар нисбати 1343:589. Тез орада динамочилар ўзига хос юбилейни нишонлашади.— Ўзларининг 600 — календарь матчини ўтказишади. (ТАСС).

ПОЙТАХТНИНГ ЯНГИ ЧЕМПИОНИ

Пойтахт шахмат чемпионати тугади. ТошДУ математика факультетининг старший ўқитувчиси, мастерлик кандидат Е. Мухин биринчи марта Тошкент чемпиони бўлди. У 15 ўйиндан ўнбиттасини ютди, учтасини дуранг қилди ва биттасинигина ютқазди, холос.

17 яшар биринчи разрядли М. Рудерфернинг 12 очко билан иккинчи ўринга чиқиши таҳсинга лойиқдир. Охиргидан олдинги турда уни яхшилаб «чалиш»маганда биринчи ўрин унга нақд эди. Рудерфернн ягона «ноль» билан «тақдирлаш»ни фақат кекса мастерликка кандидат С. Ҳожибеков ддалади, холос. Бироқ охирги турда аввалги натижани такрорлаш қўлидан келолмай, дуранг билан қаноатланишга мажбур бўлган Ҳожибеков олтинчи ўринга тушиб қолди. Уни ўз навбатида Юсупов «чалиб» қўйди. 10 очкодан тўплаган тажрибали мастерликка кандидатлар М. Абрамсон ва М. Юсупов, 3—4-ўринларни ҳамда 9,5 очко тўплаган Бобожонов бешинчи ўринни эгаллаб, Мухин ва Рудерфер қатори апрелда ўтказиладиган Ўзбекистон XXIX чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

А. Н. КОСИГИН НЕАПОЛДА

НЕАПОЛЬ, 25 март. (ТАСС махсус мухбири). Италия ҳукуматининг таклифига мувофиқ Италия бўйлаб сафар қилиб юрган СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин Сицилиядан пароход билан бугун бу ерга келди.

Неаполь портида А. Н. Косигин ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларни Неаполь шаҳар маъмурларининг вакиллари кутиб олдилар. А. Н. Косигин ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар шаҳарни бир оз кўздан кечирганларидан кейин автомашиналарда Римга жўнаб кетдилар.

КОМПАНИЯЛАР НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНДИ

ҚОҲИРА, 25 март. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носирнинг «Шелл ойл компани оф Ижипшт» ва «Англо-ижипшн ойл филдс» компанияларни национализация қилиш тўғрисидаги декрети бу ерда эълон қилинди, деб хабар берди МЕН агентлиги.

Ҳар иккала компания акцияларининг контроль пакетлари илгари ҳам Бирлашган Араб Республикаси ҳукумати қўлида эди (компаниялар Англия, Франция ва Исроил томонидан Мисрга қилинган агрессиядан кейин қисман национализация қилинган эди).

Президент декрети билан компаниялар энди тўла национализация қилинади.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

БЕРЛИН, 25 март. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг кеча эълон қилган баёнотида бундай дейилади: Ҳозир Германия Федератив Республикаси ҳукумати реваншизмнинг янги тўлқинини бошлаб юборди, бошқа мамлакатларнинг территорияларини тобора баланд овоз билан даъво қилмоқдалар, машъум Мюнхен битими эўр бериб мақтамоқда. Шу билан бирга, Бонн Гитлердан ўрнак олиб, ўзининг бу даъволарини миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асослашга уринмоқда.

Германия Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тушунчасидан сунистеъмол қилишга қарши қатъий норозилик билдиради.

СОМАЛИ-ЭФИОПИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

ХАРТУМ, 24 март. (ТАСС). Сомали-Эфиопия чегара можаросини тинч бартараф қилиш тўғрисида бугун Хартумда Сомали билан Эфиопия делегациялари ўртасида музокаралар бошланди.

МАРШАЛ АМИР — БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ

ҚОҲИРА, 24 март. (ТАСС). «Алахром» газетасининг хабар беришича, Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдил Носир маршал Абдил Ҳаким Амирни Бирлашган Араб Республикасининг биринчи вице-президенти қилиб тайинлаш тўғрисида декрет чиқарган.

Газета таъкидлайдики, бу — Бирлашган Араб Республикасининг кеча эълон қилинган конституцион декларациясига мувофиқ таъсис этилган янги лавозимдир. Бирон фавқулодда ҳолатлар юз бериб қолган, президент истеъфога чиққан, касал бўлиб қолган ёки вафот этган тақдирда, биринчи вице-президент президент сайлангунча ўз-ўзидан Бирлашган Араб Республикасининг президенти ўрнини эгаллайди.

АЛИ САБРИЙ БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИНИ ТУЗАДИ

ҚОҲИРА, 24 март. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдил Носир Бирлашган Араб Республикасининг янги ҳукуматини тузишни республика ижроия кенгаши раиси Али Сабрийга топширди.

Телетайп ЛЕНТАСИДАН

● Чехословакия Социалистик Республикаси билан Конго Республикаси (Браззавиль) ўртасида элчихоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

● АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари «Титан—2» ракетасини 5 минг миля масофага учирди. Кеннеди бурунидан берилган ахборотларда айтилишича, «Титан—2» ракетаси ракеталар ҳужумига қарши мудофаа яратишга тааллуқли маълумотлар тўплаш мақсадида учирилган.

● Бразилия миллий конгрессининг депутат Жоао Дориа Франциядаги ўтаўнг террористик ташкилот—ОАСнинг собиқ раҳбари Жорж Бидонинг мамлакатдан чиқариб юборилишини депутатлар палатасида талаб қилди. Дориа айтдики, Бидо Бразилияга келиш вақтида сиёсий ишлар билан шуғулланмайман, деб ваъда берганига қарамай, «президент Гулартнинг душманлари» билан ҳамда «АҚШнинг Бразилиядаги элчихонасидан пул олиб турган антидемократик ташкилотлар» билан мустаҳкам алоқа боғлаб турибди.

● Яқинда Жанубий Вьетнамда партизанларга қарши жазо операциясини ўтказиш вақтида Америка махсус қўшинларининг сержанти ўлдирилган. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг маълумотларига кўра, бу—Жанубий Вьетнамдаги миллий озодлик ҳаракатини бостиришда қатнашаётган АҚШ ҳарбий хизматчилари орасидан ўлдирилган 199-американликдир.

● Франция Республикасининг президенти генерал де Голль Мексикага қилган расмий сафари ва Франциянинг «денгиз нариёғидаги департаментлари» бўйлаб қилган саёҳатидан кейин Парижга қайтиб келди.

● Англияда чиқадиган «Таймс» газетасининг хабар беришича, Шимолий Португалияда полиция бир неча кишини «коммунистик иш билан шуғулланишда» айблаб, қамоққа олган. Йил бошидан буён сиёсий айблар қўйилиб яна 14 киши қамоққа олинди.

● Франциянинг «давлат хавфсизлиги суди» яна бир оасчи фашистлар шайкасининг иши юзасидан ҳукм чиқарди. Шайка бошлиғи Анри Д'Арманьяк 20 йил, Клод Миме 18 йил, Клод Мишель 12 йил, Жорж Рейналь ва Жан Этьен 7 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

(ТАСС).

ИМПЕРИАЛИЗМНИНГ „ТРОЯ ОТИ“

САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР

Газетхонлардан В. Акбаров (Тошкент), А. Абдужалилов (Калинин районн) ва бошқа ўртоқлар редакцияга хат ёзишиб «Жаҳон корпуси» қандай мақсадда тузилганлигини тушунтириб беришни илтимос қилишган. Биз шу материални босиш билан уларнинг саволларига жавоб бермоқчимиз.

Империалистик дунё ўзининг мустамлака ва қарам мамлакатлар билан муносабатларида асосан қўпол зўравонликка таянадиган вақтлар аллақачонлар ўтиб кетди. Ҳозирги даврда ғарб давлатлари озод бўлган давлатларда капиталистик ҳукмронликни сақлаб қолиш учун идеологик диверсия воситаларига кўпроқ мурожаат қилаётирлар. Бунда улар одамларга таъсир этишнинг пухта ўйланган ва айёрона воситаларидан фойдаланяптилар. Бундай воситаларга «бегараз» деб аталувчи заёмлар, ётиб қолган озиқ-овқат товарларини жўнатиш ҳамда кишилар ахлоқини бузувчи адабиётлар ва ҳоказолар киради.

Сўнгги вақтда психологик уруш мутахассислари томонидан ўйлаб чиқарилган «жаҳон корпуси» деб аталмиш яна бир кашфиёт кенг тарқала бошлади. Буржуа пропагандаси янги туғилган бу ташкилотни кўкларга кўтариб, келажак гўё шуникидир, демоқда. Ёш американликлардан иборат қатор группалар турли мамлакатларга «бегараз» ёрдам кўрсатиш учун жўнаб кетадилар, деб эълон қилинди. Улар орасида бевосита қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва даставвал маориф мутахассислари бор. Шу муносабат билан «Нью-Йорк таймс» газетаси бу «ҳали бирорта мамлакатда ҳам амалга оширилмаган энг ажойиб лойиҳалардан биридир» деб шов-шув кўтарди.

Бундай қараганда, Осиё ва Латин Америкасидаги кўпгина давлатларга суқилиб кириб олган «корпус» қатнашчилари фаолиятида бирон бир номуносиб иш йўқдай кўринади. Масалан, улар Танландда 1964 йилда Токиода бўладиган Олимпия ўйинларига миллий команда тайёрлаётирлар, қатор собиқ инглиз мустамлакаларида маҳаллий аҳолини крокет ўйнашга ўргатмоқдалар. Афғонистонда эса Америкада ишлаб чиқарилган автомашиналарни ремонт қилишни ўргатаётирлар. Ҳақиқатда эса буларнинг ҳаммаси ғаразли хатти-ҳаракатларни яширувчи бир ниқобдир, холос. «Корпус» ҳодимлари хусусий мулкчиликни зўр бериб мақтайдилар, озод бўлган мамлакат халқларида экономиканинг давлат секторига ишончсизлик туғдиришга уринадилар, социализм ғояларини қоралашга ҳаракат қиладилар. Улар СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстона алоқалар ўрнатмасликка чақирмоқдалар. Шунингдек, улар сиёсий мустақилликни қўлга киритган давлатларда маҳаллий саноатни барпо қилишнинг керагги йўқ, бу мамлакатларда фақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан чекланиш зарур, деган «назарияни» тарғиб қилаётирлар.

Аслида империалистлар ва уларнинг «жаҳон корпуси»даги малайлари бир мақсадни — ёш давлатлардаги бойликларни қўлга киритиш, уларга яна мустамлакачилик сиртмоғини солишни кўзда тутадилар.

Ана шу вазифаларни бажарадиган кишилар жуда синчиклаб танланаётир «Жаҳон корпуси»га кирувчилар жуда кўп саволлар ёзилган анкета тўлдирадилар ва узоқ терговда бўладилар. Бунда Америка разведкаси ҳамда давлат хизматчилари ишлари бўйича комиссия билан мустаҳкам алоқада иш кўрилади. Ана шундан кейингина АҚШ ёки Пуэрто-Рикодаги ўқув марказларида ўн ҳафта давом этадиган махсус машғулотлар бошланади. Ўқув марказларида «кўнгиллиларни» улар юборилаётган мамлакатнинг тарихи, географияси ва экономикаси билан таништирадилар. Улар сурат олишга, шифр билан юборилган хабарларни ўқишга, икки томонлама алоқа қилиб туришга, жойлардаги социал-сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳарбий аҳвол тўғрисида докладлар тузишга ҳам ўрганадилар. Кўриниб турибдики, ўқув программаси одатдаги жосуслик мактаби программасидан сира фарқ қилмайди. Тайёргарлик давида «жаҳон коммунизмининг стратегияси», «америкача ҳаёт кечириш образи» каби ва бошқа темаларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилади. Бу бежиз эмас. Чунки бу ташкилот қатнашчилари империализмнинг кишилар онги учун, биринчи навбатда, озод бўлган мамлакатлардаги ёшларнинг онги учун олиб бораётган курашида энг самарали ва катта роль ўйнашлари кўзда тутилган.

Бу вазифани улар ёш давлатлар манфаатларининг «қўриқчилари» ниқоби остида бажаётирлар. Бироқ «жаҳон корпуси»нинг вакиллари ҳар қанча ниқобланса-лар ҳам уларнинг асл башаларини халқлар тезликда фош қилаётирлар. Американинг бу янги ташкилоти ирқчилик, бир халқни иккинчи халққа қарши гиж-гижлатиш, дунёда якка ҳукмронлик қилишдан иборат эскича сиёсатнинг ифодаси эканлиги Африка, Осиё ва Латин Америкасидаги кишиларга тобора равшан бўлиб қолмоқда.

Америка империализми ўтказаётган агрессив сиёсат тарғиботчиси бўлмиш «жаҳон корпуси»нинг тузилиши барча эрксевар халқларнинг ғаҳр-ғазабига дучор бўлди. Бироқ, АҚШ ҳукумати бунга эътибор бермай бу ташкилотни такомиллаштиришни давом этмоқда. Агар «жаҳон корпуси» туғилганининг биринчи йили 40 миллион долларни ютиб юборган бўлса, учинчи йилига келиб ҳаражатлар миқдори 108 миллион долларга етди. Бу пуллар америкаликлардан тўпланган солиқлардир. «Жаҳон корпуси»нинг ҳар бир ходимини тайёрлаш ва уни таъминлаш учун ҳар йили тахминан 9 минг доллар сарфланади. Ҳозир 5 мингга яқин «Корпус» аъзоси 47 мамлакатда жосуслик билан шуғулланяпти. 1964 йил охирига бориб эса уларнинг сонини 13 минг кишига етказиш мўлжалланган. АҚШ ҳукумати бу ташкилотни мустамлакачилик зулмидан озод бўлган барча мамлакатларга суқилиб киришга «Троя оти»га айлантирмоқчи. Бунинг учун у ҳеч қандай куч ва маблағни аямаётир.

Германия Федератив Республикасида, Англияда, Францияда, Японияда ва бошқа империалистик давлатларда, гарчи бошқача ном билан бўлса-да, худди америкача типдаги ташкилотлар тузилмоқда. Масалан, Бонн ҳукумати «ривожланаётган мамлакатларга немис ёрдами» деб аталмиш ташкилотдан ўзининг неколониализм қуроли сифатида фойдаланяпти. Ғарбий Германия реваншчилари ҳар қандай ниқоб остига яширинмасинлар, улар ўзларининг ёш давлатларни ғоявий, иқтисодий ва ҳарбий асоратга солишдан иборат асл мақсадларини яширишнинг уддасидан чиқа олмайдилар. Гарчи бу ташкилот номида «корпус» сўзи бўлмаса ҳам, унинг аъзолари бўлган немис кишиларига чет эл давлатлари ўз ҳудди ҳарбий хизматчидек ҳақ тўланади.

Бонн раҳбарлари Германия Федератив Республикаси томонидан кўрсатиладиган ёрдам Ғарбий дунё идеалларини сақлаб қолишга кўмаклашган тақдирдагина амалга оширилади, деб тўғридан-тўғри айтмоқдалар.

«Жаҳон корпуси»нинг инглизча вариантини тузиш планларига келганда шуни айтиш керакки, Лондонда бу ташкилот тўғрисида у «Африка, Осиё ва Жанубий Америкадаги ёш давлатларда билим тарқатишда америка ташкилотига қараганда анча самимий планларни мужассамлантирган» демоқдалар. Мустамлакачилик империяларининг қолдиқларига тиш-тирноқлари билан ёпишиб олиб, миллий озодлик ҳаракатини бостириш учун ҳар қандай воситаларни қўллашдан қайтмайдиган энг ашаддий инглиз империалистлари тўғрисида айтилаётган бу гапларни қаранг-а!

Пардоз-андозда француз ҳукумати ҳаммани орқада қолдириб кетди. У бир вақтлар Жазоирда ўз ёвузликлари билан ном чиқарган каллакесарлар тўдасидан иборат чет элдаги ўз легионини ўзининг хусусий «жаҳон корпуси»га айлантиришини эълон қилди. Ана шунга ўхшаш ташкилотлар фаолиятининг асл мақсади ва хатти-ҳаракатини очиқ кўрсатиш учун бундан ҳам ёрқин факт бўлмаса керак.

Империалистларнинг «Троя оти» ёрдамида ўз мақсадларига етишиш учун қилаётган барча уринишлари барбод бўлишга маҳкумдир. Халқлар яна қайта неоколонизаторлар тузоғига илиниш учун мустақилликка эришган эмаслар. Эрксевар халқлар империалистларнинг янги ҳийла-найрангларига қатъий зарба бериб ўз озодликлари ва мустақилликларини сақлаб қола олдилар.

П. ВЛАДИМИРОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 11.00 — Каникул кунларида. М. Горький ҳикоялари кинода. **Челнаш** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 11.45 — **«Кобра» операцияси** (бадиий фильм), 18.00 — **Диафильм**, 18.15 —**Телевизион янгиликлар**, 18.30 — **Икки минг Кўчиевчи**, (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 18.50 — **Халқ контроли амалда**, 19.10 — **Педагог маслаҳатлари**.

19.40 —Қозоқ тилида эшиттириш.

20.00 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.05 —**Телевизион янгиликлар**, 20.25 — **Гигант комбинат**, 20.45 — **Ер шари атрофида пиёда**, 21.15 — **Концерт** (классик куйлардан), 22.05 — **Фан ва техника** киножурнали ва **Дерсу Узала** номли бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Фаннинг буюк кучи** (илмий-оммабоп фильм), 18.10—**Телевизион фильмлар**, 19.00—**«Қайрат» (Олмаота)—«Олга» (Фрунзе) командалари ўртасида футбол**, 19.45 — **Ҳамкасблар** (телевизион спектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/III да кундуз **Олтин калит**, кечқурун **Севилья сартароши**, 28/III да кундуз **Боғчасарой фонтани**, кечқурун **Фауст**.

Улимнинг номи Энгельхен ,1 ва 2-серия) —«ИСКРА», (кундуз ва кечқурун).

КИНО

Бомбай қизи — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Макбет — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Хизмат вақтида — «ВАТАН» (кеч соат 5 да). НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ун икки стул — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Яширин жаннат — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

Қор эртаги — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

27, 28, 29 мартда
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА СОЛИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Учқун Ғаниев, Қундуз Миркаримова**, солистлардан **Кувондиқ Исандаров, Исҳоқ Катаев, Малоҳат Дадабоева, Тўхон Қодирова, Тўхта Рисметова, Назрулла Ёқубов, Зайтуна Тожибоева, Ғулом Тожиаълоев** ва ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28 мартда ва 1 апрелда
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА СОЛИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Миркаримова**, солистлардан **Фахриддин Умаров, Сора Шукурова, Тўхта Алихўжаева, Манзура Мўминова** ва ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида
31 мартгача
БОЛАЛАР УЧУН

КУНДУЗГИ ТОМОШАЛАР

«ЛИЛИПУТЛАР»
МУЗИКАЛИ АТТРАКЦИОНИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

Программада: «Доктор Айболит», «Жонли қўғирчоқ», «Этик кийган Мушук», «Пахтаой» ва цирк санъатининг бошқа номерлари.

Томошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

Қизилкаравон кўчаси, 60-уйда турувчи **Юсуф Ёқубович Каримовнинг** Бешёғоч кўчаси, Обод тупик, 10-уйда турувчи **Нафиса** Бадаловдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Лоҳутий кўчаси, 23-уйда турувчи **Жамолиддин Жалолиддиновнинг** Андижон шаҳар, Андижон район, Калинин номли колхоз, Челюскин кўчаси 32-уйда турувчи Аминахон Жалолиддиновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 27 МАРТ 1964 ИИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор —29004. Редактор ўринбосари—25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими —28761. Ахборот ва спорт бўлими —33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —34048. Эълонлар бўлими —28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Совет» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 06478. Индекс 64695. Нашр. № 1720.